



30  
(1348)-son  
27-iyul  
2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ

СОҢДА:

### БИТИМ

"Ўзбектелеком" Афғонистонга интернет хизматларини экспорт қилади **2-бет**

### MY.GOV.UZ

Ягона портал янги тартибда иш бошлади **3-бет**

### НАЗОРАТ ВА РАҒБАТ

Ўзалоқаназорат томонидан ҳар олти ойда ҳудудий инспекцияларда ўрганиш ўтказилади **4-бет**

### ТУРК КОМПАНИЯСИ ИШТИРОКИДА

Ўзбекистонда IT-хавфсизлик бўйича ўқув курслари ташкил этилади **5-бет**

### ИНТЕРНЕТ ҲАММА УЧУН

Техногигантлар Ер орбитасидаги алоқа учун қандай курашяпти? **11-бет**

### АКЦИЯЛАР

Цуэрбергер икки соатда 17 миллиард доллар йўқотди **12-бет**

### МУТОЛАА

Юрак (ҳикоя) **14-бет**

## ТАТУДА ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ



**М**ухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Тошкент ахборот технологиялари университетида ва унинг филиалларида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизими жорий этилди. **3-бет ▶**

### ЯНГИЛИК

## ХАЛҚАРО ПОЧТА ВА КУРЕРЛИК ЖЎНАТМАЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан давлат божхона хизмати органларини жисмоний шахслар номига халқаро курерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар ҳақида мажбурий равишда хабардор этиш тартиби жорий этилди.

Шу муносабат билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига бир ой муддатда халқаро курерлик жўнатмалари орқали келаётган товар-

лар ҳақида давлат божхона хизмати органларига олдиндан электрон тарзда хабар бериш тизимини жорий этиш вазифаси юкланди.

Бундан ташқари, қарор билан почта алоқаси оператори ва провайдерлари томонидан халқаро курерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар тўғрисида олдиндан электрон тарзда хабар беришда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Халқаро почта ва курерлик жўнатмалари орқали юридик шахслар номига келаётган қиймати 100 (юз) АҚШ долларига тенг бўлган товарлардан божхона тўловлари ундирилмайди.

### ЎЗБЕКISTONДА E-VISA ИШИГА ТУШДИ


(2016 йил 25 июлда)

Электрон виза олиш учун 18 кун ичида  
41 давлатнинг 1555 нафар фуқароси  
мувожаат қилди

Ўзбекистон визасига  
энг талабгорлар  
(ўн кун ичида):

1. хитойликлар – 295 нафар
2. америкаликлар – 216
3. буюк британияликлар – 176
4. ҳиндистонликлар – 154
5. французликлар – 100
6. испанияликлар – 70.





## МОСКВА ШАҲРИ ҲУКУМАТИ ВАЗИРИНИНГ МАСЛАҲАТЧИСИ АКТ ВАЗИРЛИГИГА ТАШРИФ БУЮРДИ



➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** 20 июл кuni Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аввал белгиланган вазифалар ижроси билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улуғбек шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида бўлди. Президентимиз Тошкент шаҳри бўйлаб барпо этилаётган ер усти халқа метро линияси ҳамда Сергели тумани "Чоштена" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi янги уй-жойлар қурилишини бориб кўрди. Шу ерда Тошкент шаҳрида қурилиши режалаштирилган 9 қаватли уйлар лойиҳаси тақдироти ҳам ўтказилди.

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** 24 июл кuni Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президентини Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президентини Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси Президентини Сооронбай Жээнбеков ва Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Хорижий давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Президентини тузилган кuni билан самимий табриклар, кўп миллатли халқимизга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тиладилар.

➤ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 24 июл кuni имзолаган "Миллий кининдустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор эълон қилинди.**

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** 26 июл — Малдив Республикаси Мустақиллиги кuni муносабати билан Президент Абдулла Яминга қутлов йўллади.

➤ **Вьетнам Социалистик Республикаси делегацияси вакиллари** 25 июл кuni Жиззах шаҳридаги замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган "Жиззах текстил", Silk expert processing, Зомин туманидаги Zomin asl irak tolasi масъулияти чекланган жамиятларидаги пахта ва пиллани чуқур қайта ишлаш жараёни, корхоналарнинг экспорт имкониятлари билан танишишди.

➤ **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов "Белфармпром" холдинг компанияси бош директори Валерий Шевчук ва Беларус Республикасининг нуфузли фармацевт мутахассислари билан учрашди.** Учрашувда тиббиёт олий ўқув юртлири ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга қаратилган икки томонлама шартномалар имзоланишига ҳам келишиб олинди.

Шу йилнинг 23 июлида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Москва шаҳри ҳукумати вазирининг маслаҳатчиси ҳамда ўринбосари — Ташқи иқтисодий ва халқаро алоқалар департаменти раҳбари Олег Шутенко билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда "хавфсиз шаҳар", "ақлли шаҳар" каби бу-

гунги долзарб концепцияларини амалга ошириш йўналишларида ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама қилинди. Москва шаҳрида замонавий воситаларни жорий қилиш бўйича муваффақиятли амалиёт ва тажрибалар қайд этилди. Хусусан, россиялик экспертлар аҳоли билан электрон алоқаларни ўрнатишга қаратилган онлайн хизмат кўрсатишни ривожлан-

тириш, "ақлли транспорт тизими" ва бошқа лойиҳалар хусусида тўхталдилар.

Ўз навбатида, Ўзбекистон томони мамлакат шаҳарларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қилинаётган лойиҳалар ҳақида маълумот бердилар. Учрашув якунлари бўйича томонлар истиқболда ҳамкорликни мустақамлаш бўйича келишиб олдилар.

### ИНТЕРНЕТ

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АФҒОНИСТОНГА ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛАДИ



24 июл кuni "Ўзбектелеком" АК ва Афғонистон Ислом Республикасининг Wireless Communication Company (AWCC) телекоммуникация оператори раҳбарияти ўртасида музокаралар олиб борилди.


Учрашувда ҳамкорлик меморандуми имзоланди ва Ўзбекистон — Афғонистон халқаро чегара масканларида "Ўзбектелеком" АК ва AWCC тармоқ-

лари ўртасида янги халқаро чегара қўшма қурилиши бўйича битим имзоланди. Ушбу битим Афғонистонга халқаро интернет тармоғи хизматларини экспорт қилиш имкониятини беради.

Музокаралар давомида ўзаро телекоммуникация хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ техник ва тижорат масалалари ҳам муҳокама қилинди.

### ТАЪЛИМ

## АКТ-МАКТАБГА ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ



**Ихтисослаштирилган мактабнинг 5-синфига 60 нафар ўқувчи қабул қилинади. Имтиҳон натижалари 2018 йилнинг 30 июл кuni эълон қилинади.**

Шу йилнинг 23 июл кuni пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб 2018-2019 ўқув йили учун 5-синфга қабул имтиҳонларини ўтказди.

Ихтисослаштирилган мактаб 2018-2019 ўқув йили учун 5-синфга ўқувчилардан ҳужжатларни 2 июлдан 20 июл кuniгача қадр қабул қилди. Ушбу вақт мобайнида мактабга керакли ҳужжатларни 510 нафарга яқин ўқувчилар топширди ва қабул имтиҳонларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Рўйхатдан ўтган ўқувчилар 23 июл кuni "Ўзқўрғазмасавдо" биносига бўлиб ўтган математика ва инглиз тили фанларидан имтиҳонларда иштирок этдилар. Имтиҳон 2 соат давом этди.



Имтиҳон Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети билан ҳамкорлида ташкил этилди. Олий таълим муассасаси мактабга имтиҳон жараёнини очиқлиги ва шаффоқлигини таъминлашда кўмак берди.

Жумладан, имтиҳон жараёни live.inha.uz саҳифаси ва мактабнинг расмий Facebook саҳифаси орқали онлайн намоиш этилди.

Шу билан бирга, имтиҳонларнинг шаффоқлигини таъминлаш учун бир гуруҳ отаоналар кузатувчи сифатида

имтиҳон залига таклиф этилдилар.

Кириш имтиҳонлари якунларига кўра, ихтисослаштирилган мактабнинг 5-синфига 60 нафар ўқувчи қабул қилинади. Имтиҳон натижалари 2018 йилнинг 30 июл кuni эълон қилинади.

Ихтисослаштирилган мактаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги қарори асосида ташкил этилган. Унда мактаб ўқувчилари давлат умумий ўрта таълим стандартлари асосида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилган ҳолда математика, физика, информатика ва чет тили фанларини чуқур ўзлаштирадилар. Мактабнинг низомига кўра, таълим ўзбек тилида олиб борилади.

# "REGULATION.GOV.UZ" САЙТИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ ИШГА ТУШДИ

Шу йилнинг 24 июлидан Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталининг янги талқини иш бошлади.

Бундан аввалги талқин 23 июлда жойлаштирилган ҳужжатлар муҳокамаси якунига қадар, яъни 7 августгача иш юритади, сўнгра ушбу талқин фақат архив сифатида фаолиятини давом эттиради.


Порталнинг янги талқини қандай имкониятларни тақдим этади?

■ Фойдаланувчилар Ягона идентификациялаш тизими ёки ижтимоий тармоқлар орқали авторизациядан ўтган ҳолда Портал имкониятларидан фойдаланишлари мумкин;

■ Фойдаланувчилар учун алоҳида кабинет яратилган, ушбу кабинетда қўшимча қулайликлар мавжуд.

■ Интерфейс учта тилда яратилганлиги учун ҳужжат лойиҳаларини бир пайтнинг ўзида учта тилда жойлаштириш ҳамда учта тилда таклиф қолдириш имконияти мавжуд;

■ Қонунчилик жараёнидаги замонавий тенденцияларни инобатга олган ҳолда Порталда Парламент учун алоҳида



саҳифа яратилган. Бу ерда Сенат ёки Қонунчилик палатаси томонидан яратилаётган қонун лойиҳалари жойлаштирилади;

■ Фойдаланувчилар ўз хоҳишларига кўра ҳужжатларга таклифларини аноним тарзда қолдиришлари мумкин;

■ Амалдаги қонулар юзасидан фойдаланувчилар ўз


таклиф ва фикр-мулоҳазаларини махсус Форумда изҳор этишлари ҳамда ўзаро фикр алмашишлари мумкин;

■ Давлат ташкилотлари учун ҳам ҳужжатларни жойлаштириш ва улар билан ишлаш тартиби соддалаштирилган.

Яқин келажақда ҳуқуқий ва ташкилий масалалар ҳал этилгач, ушбу Портал неги-

зида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг умум-халқ муҳокамаси ва идоравий келишув жараёнларини бир пайтнинг ўзида ўтказиш тартибини ҳамда "даромад ва сарф-харажатлар таҳлили" (cost benefit analysis) институтини жорий этиш режалаштирилган.

## MY.GOV.UZ



## MY.GOV.UZ ЯНГИ ТАРТИБДА ИШ БОШЛАДИ


Ягона интерактив давлат хизматлари портали — my.gov.uz тўлиқ тартибда фаолият кўрсата бошлади. Шу кунгача ресурс my2.gov.uz манзилида синов тартибда ишлаб келаётган эди. Бу ҳақда АКТ вазирлиги ахборот хизмати хабар берди.

Шу билан бирга, Ягона порталда учта янги хизмат фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Булар — хусусий уй-жойи борлиги/йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома олиш (ҳозирча Тошкент шаҳри-

да), Ипотека, бино ва иншоотлар, шунингдек, ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсатнома олиш хизматлари.

Айтиш жоизки, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида, аввалги мурожаат ҳамда уларнинг назорати порталнинг шу кунгача мавжуд талқинида сақлаб қолинган.

## ТАЪЛИМ



## ТАТУДА ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Бундан ўқув жараёнига дунё олий ўқув юрларида кенг тарқалган ўқитишнинг кредит тизimini жорий қилиш орқали университетни жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари қаторига киришни таъминлаш кўзланган.

Ўқитишнинг кредит тизими афзалликлари:

■ Академик мобиллик — талабанинг таълим жараёни даврида чет эл ўқув юрларида ёки ўзга таълим юртида таҳсил олиб, сўнгра ўқишни давом эттири олиши;

■ Таълим сифатининг юқори даражадалиги — ўқув жараёнига чет эл ўқув юрлари ва ташқи

муассасалардан ўз соҳасини мукамал ўзлаштирган мутахассисларнинг жалб этилиши;

■ Таълим жараёни жадаллигини таъминлаш мақсадида чет эл олий таълим муассасалари амалиётдан келиб чиққан ҳолда, ўқув дастурлари ишлаб чиқилганлиги;

■ Талабалар истагидан келиб чиққан ҳолда, фан танлаш имкониятига эгаллиги ва ҳоқозолар. Эслатиб ўтамиз, ўқитишнинг кредит тизимида талабанинг маълум ўқув курсини ўзлаштириш даражаси турли мезонлар асосида белгиладиган маълум миқдордаги кредитлар сум-

масини йиғишига боғлиқ бўлади.

Йиғиладиган умумий кредитлар талабанинг дарслардаги фаол иштироки, муайян ўқув курси давомида олинган тест натижалари, илмий излашлар, оғзаки ва ёзма имтиҳонлар, амалиёт натижалари асосида белгиланади.

Университетда ўқитишнинг кредит тизими тадбиқ қилиниши ҳозирги ўзгарувчан халқаро меҳнат бозорига рақобатлаша оладиган олий тоифали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда умумжаҳон олий-гоҳлар рейтингига юқори 1000таликка киришга имкон яратади.

## 4 ХУДУДИЙ ИНСПЕКЦИЯЛАРДА НИМА ГАП?

ҲАР БИР ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ҲАР КУНИ ЎЗИНИНГ МЕҲНАТИ БИЛАН ЭГАЛЛАБ ТУРГАН  
ЛАВОЗИМИГА ЛОЙИҚЛИГИНИ ИСБОТЛАШИ ШАРТ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# НАЗОРАТ ВА РАҒБАТ

ЎЗАЛОҚАНАЗОРАТ ТОМОНИДАН ҲАР ОЛТИ ОЙДА  
ХУДУДИЙ ИНСПЕКЦИЯЛАРДА ЎРГАНИШ ЎТКАЗИЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ва кундалик ҳаётга изчил жорий этилиши республикамизнинг ҳар бир жабҳаларида алоқа хизматларига бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда ва бу ўз ўрнида алоқа хизматлари сифатини яхшилаш устувор вазифалардан бири эканлигини белгилаб бермоқда.

Шу уринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 318-қарорига асосан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция (Ўзалоқаназорат)га фоновграммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилинишини назорат қилиш ваколати берилди ва бир қатор вазифалар юклатилди. Ўзалоқаназорат томонидан мазкур қарорда белгилаб берилган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида кадрлар сиёсати қайта қўриб чиқилди ҳамда Ўзалоқаназорат тизими изланувчан, шижоаткор ва иқтидорли ёш кадрлар билан шакллантирилиб, такомиллаштирилди. Шу билан бирга, раҳбар ходимлар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида янги талаблар белгиланди.


Мазкур йўналишда ҳудудий инспекцияларга юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши ҳамда ҳудудий инспекциялар фаолиятида Ўзалоқаназорат ички тартиб-қоидалари талабларига амал қилиниши юзасидан 2018 йил 25 июндан 20 июлга қадар барча ҳудудий инспекцияларда иш жорийиш, ички тартиб-қоидаларга риоя қилиниши, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни қўриб чиқиш, қурилиши тугалланган телекоммуникация объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишлар натижасига кўра, ҳудудий инспекциялар фаолиятида бир қатор камчиликлар аниқланди, жумладан:

- аксарият ҳолларда қурилиши тугалланган телекоммуникация объектларини фойдаланишга қабул қилиш ўрнатилган тартибда амалга оширилмаган;
- юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар кўпайишининг олдини олиш, оператор ва провайдерлар томонидан кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатини ошириш бўйича етарлича ишлар олиб борилмаган;
- иш юритилиши ва ижро интизоми йўналишида камчиликларга йўл қўйилган;
- баъзи бир ҳудудий инспекция раҳбарлари қурилиши тугалланган телекоммуникация объектларини фойдаланишга қабул қилишни ўз зиммасида қолдирган ҳолда шугулланган. Бунинг натижасида кадрлар захираси шакллантирилмаган ва ходимларга вазифалар тўғри тақсимланмаган;
- ҳудудий инспекция раҳбарлари томонидан ходимларни алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назарий ва амалий билим савиялари, кўникма ва малакалари етарли даражада эмас ва ушбу йўналишда етарлича ишлар амалга оширилмаган.

Аниқланган камчиликларни келгусида ҳудудий инспекциялар фаолиятларида такрорланиши ҳамда қурилиши тугалланган телекоммуникация объектларини фойдаланишга қабул қилиш жараёнида таъмағирлик ҳолатларининг олдини олиш ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашган мутахассисларни ўрнак қилиб кўрсатиш мақсадида Ўзалоқаназорат томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Қашқадарё ва Андижон вилояти ҳудудий инспекцияси раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди;
  - 7 нафар ҳудудий инспекция раҳбари ва 12 нафар ҳудудий инспекция ходимига исбатан “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди;
  - 44 нафар раҳбар ва ходимларга чорак якуни бўйича бериладиган рағбатлантириш миқдори камайтирилди.
- Шу билан бирга, иш юритиш, ички тартиб-қоидаларга риоя қилиниши, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни қўриб чиқиш ҳамда қурилиши тугалланган телекоммуникация



объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Тошкент вилояти ҳудудий инспекцияларида қониқарли даражада амалга оширилганлиги ва фаолият тўғри ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўз касбига масъулият билан ёндашган ҳолда намунавий натижаларга эришган ва сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган ходимлар меҳнатларини муносиб тақдирлаш мақсадида Хоразм вилояти ҳудудий инспекцияси бошлиғи Зоҳиджон Ражапов, бўлим бошлиғи Иштиёр Сайтов ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий инспекцияси катта инспектори Жулдизхан Даулетова ҳамда ҳар икки ҳудудий инспекциянинг етти нафар ходими қўшимча равишда моддий рағбатлантирилди.

Ўзалоқаназорат томонидан ҳудудий инспекциялар фаолиятларини тизимли равишда назоратини олиб бориш учун ҳар 6 ойда ҳудудий инспекцияларда ўрганиш ўтказилиши жорий қилинди ҳамда барча ходимларни алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги ишларни бажаришга қўшимча равишда малакаларини ошириш мақсадида видеоконференция алоқаси орқали режали техник

ўқишлар ташкил этилди.

Ўзалоқаназорат ўз олдида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилётган сиёсатга асосан “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган вақт келди” шиори остида амалга оширилётган ислохотларда бевоқиф иштирок этиш ва республикамиз равнақига алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасини янада ривожлантириш орқали ўз ҳиссасини қўшиш, электрон ҳукумат тизимини жорий этилишини жадаллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жараёнини жадаллаштиришга кўмаклашиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш, АКТ соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатини янада ошириш бўйича ваколат доирасида тегишли чоралар қўришни мақсад қилган.

**Самандар АБДУҚАЮМОВ,**  
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция бошлиғи ўринбосари

“**Қашқадарё ва Андижон вилояти ҳудудий инспекцияси раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.**”


# ANDIJON.ORG ВЕБ-САЙТИНИ ТАЙЁРЛАГАН ЁШ ДАСТУРЧИ

“Хусниддинга ҳам бу борада бир қанча таклифлар бўлган. Аммо у ўқитувчиликни афзал кўради доим. Бу ҳам биланларини ўқувчиларга ўргатишга бел боғлаган, шогирдлари эришган ютуқлардан қувониб юрадиган фидойи педагогларга хос фазилатдан нишон.”

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан анъанавий тарзда “Энг фаол ёш дастурчи” танловининг ўтказилиб келинаётгани мамлакатимиздаги ёш дастурчиларни аниқлаш, рафбатлантириш ва шу орқали уларнинг касбий интилишларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Анджон вилоятининг Асака туманидаги 24-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати информатика фани ўқитувчиси Хусниддин Матёкубов ҳам дастурчилик соҳасида яхши натижаларни эгаллаб келаётган ёшларимиздан. У бу соҳага мактабда ўқиб юрганидаёқ ўзгача қизиқиш билан қаради. Шу боис математика ва физика фанларини кунг билан ўрганди, бу борада ўқитувчиларидан қўшимча сабоқлар олишга эринмади. Мактабни тугаллаб, Асака педагогика коллежида компютер графикаси бўйича билим олишга киришди. Анджон давлат университетининг информатика ва ахборот технологиялари йўналиши талабаси бўлгач, қизиқиши том маънода ҳаёти мазмунига айланди.

Инсон бирор ютуққа ўз-ўзидан эриша олмайди. Аввало, мақсад бўлиши керак ва шу мақсадга эришиш учун тинимсиз ҳаракат ва изланиш зарур. Хусниддин ҳам шу йўлдан борди. “Асака педагогика коллежи компютер графикаси 6-гуруҳ ўқувчиси Хусниддин Матёкубов коллеж жамоат ишларида фаол иштироки, аъло билими билан ўрнак бўлиб келаётгани учун коллеж раҳбариятининг фахрий ёрлиги билан мукофотланди”, “Самарқанд вилояти



57986-ҳарбий қисм муддатли ҳарбий хизматчиси олдий аскар Матёкубов Хусниддин Зайнобидинович 2010 йил май ойи давомида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликдан яхши натижаларга эришганлиги учун фахрий ёрлик билан тақдирланди”, “Анджон давлат университети физика-математика факултети информатика ва АТ йўналиши II босқич талабаси Хусниддин Матёкубов “Графика ва дизайн” номи билан факултетда ўтказилган мусобақада фахри 1-ўринни олгани учун факултетнинг фахрий ёрлиқ билан мукофотланди”, “Анджон вило-

ятида ўтказилган “Келажак овози” Республика ёшлар танловида Архитектура ва дизайн номинацияси бўйича голиб бўлганлиги учун диплом билан тақдирланади”, “Тошкент вилоятида ўтказилган Миллий интернет танловида “Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихи ҳамда истиқлол ғоялари ва маънавий қадриятлари акс этган энг яхши сайт” номинацияси бўйича III даражали диплом билан тақдирланди”, “Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурслари 2016” танловининг туман босқичида фахри 1-ўринни эгаллагани учун Асака туман халқ

таълими бўлимининг дипломи билан мукофотланди”, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг туман босқичида 1-ўрин”, “Тошкентда ўтказилган Инновацион ғоялар кўрик-танловида фаол иштирок этгани учун сертификат ва статуэтка билан тақдирланади”... Булар қаҳрамонимиз қўлга киритган ютуқлардан айримлари, холос. Ва яна Анджон тарихини ёритиш мақсадида andijon.org веб-сайтини тайёрлаш унга ишониб топширилгани ҳам бежизга эмас. Яқинда эса у навбатдаги яна бир ютугини қўлга киритди — “Энг фаол ёш дастурчи” кўрик-танловининг республика босқичида махсус диплом билан тақдирланди.

Бугун мамлакатимизда АКТ мутахассислари, айниқса, дастурчилар учун барча соҳаларда талаб жуда кучайган, уларга юқори ойлик маош ҳам таклиф қилинмоқда. Хусниддинга ҳам бу борада бир қанча таклифлар бўлган. Аммо у ўқитувчиликни афзал кўради доим. Бу ҳам биланларини ўқувчиларга ўргатишга бел боғлаган, шогирдлари эришган ютуқлардан қувониб юрадиган фидойи педагогларга хос фазилатдан нишон. “...9-синф ўқувчиси Абдулпаттаев Сарварбек “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичида голиб бўлиб, республика босқичига йўллана олганлиги учун устози — информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси Матёкубов Хусниддин 24-мактаб-интернатининг фахрий ёрлиги билан мукофотланди”...

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,  
“Xabar” мухбири

КЕЛИШУВ

## ТУРК КОМПАНИЯСИ ИШТИРОКИДА

Ўзбекистонда IT-хавфсизлик бўйича ўқув курслари ташкил этилади

“BePro IT Academy” киберхавфсизликка ихтисослашган “Barikat” етақчи турк компанияси билан шериклик туғрисида келишув имзолади. Хужжат яқин вақт ичида пойтахт ўқув маркази базасида IT-хавфсизлик бўйича сертификацияланган курсларни ташкил этиш ва ўтказишни назарда тутди.

“Barikat” компанияси 2008 йилда ташкил этилган: Компания штатида юздан ортиқ техник экспертлар мавжуд бўлиб, улар бутун дунёдаги 300 миңга IT-хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат берадилар, ўқитадилар ва технологик хизматлар кўрсатадилар. Миңозлар орасида вазирликлар, армия, ҳарбий-ҳаво кучлари, банклар, суғурта, саноат, энергетика, тиббиёт компаниялари ва бошқалар мавжуд. 2016 йил якунларига кўра,



“Barikat” Туркиянинг йирик IT-компаниялари 500талигида 46-ўринни эгаллаган.

— Ўта кучли рақобат шартларида конфиденциал ахборотни ҳимоя қилиш IT-мута-

хассисларнинг асосий вазифасига айланди, — дейди “BePro IT Academy” директори Сабина Эрматова. — Ҳар қандай корхона ахборот хавфсизлигини юқори даражада ушлаб туриш нечоғли аҳамиятли эканлигини тушунган ҳолда, биз Туркиянинг тўлиқ киберхавфсизлик масалаларига ихтисослашган “Barikat” компанияси билан шериклик келишувини туздик. Яқин вақтларда ўқув маркази базасида курслар очилди ва уларда экспертлар тингловчилар билан IT-хавфсизлик соҳасидаги билимлари ва амалий тажрибаларини ўртоқлашди.


Сертификацияланган курслар киберхавфсизлик соҳасидаги янги комплекс ечимларни ишлаб чиқиш ва таъминлаш борасидаги мавзулар ва ёндашувларни кенг қамраб олади.

## ИКТ ПОМОГАЮТ ОБЕСПЕЧИТЬ ПРОЗРАЧНОСТЬ И ЧЕСТНОСТЬ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ ТЕСТОВЫХ ИСПЫТАНИЙ

Во исполнение постановления Президента Республики Узбекистан от 16 ноября 2017 года «О совершенствовании порядка проведения вступительных тестовых испытаний в бакалавриат высших образовательных учреждений республики», Государственным центром тестирования при Кабинете Министров Республики Узбекистан было запланировано проведение вступительных тестовых испытаний в регионах республики в период с 10 июля по 17 июля текущего года.

В рамках содействия в проведении тестовых испытаний Центром информационной безопасности и содействия в обеспечении общественного порядка, при поддержке Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций, Министерства по чрезвычайным ситуациям и Министерства внутренних дел Узбекистана, проведены мероприятия:

— по установке камер видеонаблюдения,



— экранов для освещения проводимых мероприятий для лиц ожидающих поступающих лиц в высшие учебные заведения.

Для проведения тестовых испытаний по всей стране были подготовлены павильоны, здания институтов и колледжей, а также организации с большой вместимостью.

По итогам проведенных работ было подготовлено 16 зда-

ний, которые рассчитаны для проведения тестовых испытаний с вместимостью до 1710 мест.

В период с 10 июля по 17 июля сотрудники Центра информационной безопасности и содействия в обеспечении общественного порядка были направлены в регионы республики для установки камер видеонаблюдения в павильонах.

Общее количество установ-


ленных камер видеонаблюдения составляет 436 единиц.

Необходимо отметить, что сам процесс сдачи тестов находится под непрерывным видеонаблюдением. При этом, родители абитуриентов могут наблюдать за ходом тестирования.

Все видеозаписи будут храниться в Государственном центре тестирования.

### ОНЛАЙН-БАНК

## В УЗБЕКИСТАНЕ ВПЕРВЫЕ УТВЕРДИЛИ ТЕРМИН «ВИРТУАЛЬНАЯ КАРТА»



Центральный банк ввел в законодательство термины «виртуальная карта», «антифрод», «кобейджинговая карта» и «CVC-код», следует из постановления правления регулятора, которое вступает в силу в октябре 2018 года.

Документом утверждаются дополнения и изменения в Положение о порядке выпуска банковских карт коммерческими банками и их обращения:

■ виртуальная карта — специальная банковская карта без физического носителя, предназначенная для платежей в сети интернет. Представляет собой данные реквизитов банковской карты, необходимые для осуществления оплаты;

■ CVV (CVC) код — специальный код банковской карты, используемый для проверки ее подлинности при осуществлении платежей в сети интернет;

■ система антифрод — система оценки и предотвращения мошеннических операций во время проведения платежей по банковским картам.

Там же дается новое определение терминалу — «устройство или программное обеспечение, позволяющее держателю банковской карты осуществлять платежные операции и формировать слипы в бумажном или электронном виде по совершенным операциям».

Предусмотрено разделение бан-

ковских карт на три вида: системные, собственные и кобейджинговые;

«Кобейджинговая банковская карта функционирует в нескольких платежных системах, логотипы которых размещены на лицевой стороне карты», — поясняет ЦБ.

К одному карсету можно привязать несколько дополнительных банковских и виртуальных карт.

Там же указывается, что для предотвращения мошеннических операций при совершении платежей по банковским картам необходимо обеспечить системой антифрод, а банковские карты выдавать на основании заявлений как в письменной, так и электронной форме.

### ГОРДОСТЬ КОЛЛЕКТИВА

## ОТЛИЧНЫЙ РАБОТНИК И ДОБРЫЙ СОВЕТЧИК

В Джизакском филиале АО «Ўзбекистон почтаси» уже на протяжении многих лет, с душой отдаваясь своему делу, трудится отличный работник и просто прекрасный человек Нигора Набиевна Косимова.

Родилась она в родном для неё Джизакском районе, сегодня он называется районом имени Шарафа Рашидова, в семье обычных тружеников села, в 1990 году с отличием закончила школу. Хотела маленькая Нигора стать медиком, но мечта не сбылась. В 1996 году закончила Джизакский индустриальный техникум и получила специальность бухгалтера.

Начала свою трудовую деятельность совсем молодойкой девушкой в отделе социального обеспечения города Джизака, но волею судьбы в 1999 году она попала на нелегкую трудовую стезю почтового работника, где и нашла своё призвание. Свою карьеру она начала с простого оператора услуг почтовой связи, но работая над собой и постоянно совершенствуясь, она достигла больших успехов на трудовом поприще. И вот уже пять лет она плодотворно руководит самым трудным участком работы в почтовой отрасли, являясь начальником отдела организации почтовой

связи Джизакской области.

Каждый день ей приходится встречаться с большим количеством людей, которые приходят со своими проблемами и нуждами, и все получают квалифицированную помощь или содействие в решении своих насущных вопросов. Ежеминутно ей приходится принимать очень много решений, по логистике почтового транспорта, организации доставки почты и периодической печати до каждого населенного пункта, самого отдаленного кишлака Джизакской области, до каждого получателя писем и газет. Это при её непосредственном содей-

ствии и грамотном руководстве к вам стучатся в двери почтальоны и вручают долгожданные письма и телеграммы.

Сегодня под её непосредственным руководством трудятся несколько специалистов, для которых она не только начальник, но и в первую очередь наставник, мудрый и добрый советчик не только в производственных процессах, но и в житейских трудностях.

Успехов Вам уважаемая Нигора Набиевна на Вашем жизненном пути. Мы любим Вас и гордимся с вами.

С уважением  
Ваш родной коллектив





**Хар бир лойиҳани ишлаб чиқишга ўртача 2-3 йил кетади. Чунки биз лойиҳаларни асосий ишларимиздан бўш вақтда бажарамиз.**

**Абдусаттор УЗОҚОВ:**

# “ЧИҚИНДИНИ ПУЛГА АЙЛАНТИРАМИЗ”

Сўхбатдошимиз тадбиркор, ўз фаолиятини инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш ҳисобига кенгайтиришга интилаётган Абдусаттор Узоқов.

— Абдусаттор, тадбиркорликка қўл урибсиз, деб эшитдим. Келинг, суҳбатимизни шундан бошласак.

— Ҳа, тадбиркорлик бўйича бир нечта ишни бошлаб қўйдим. Албатта, олийгоҳда олган билимим ёрдамида. Тошкент давлат аграр университетини тамомлаганман. Мутахассислигим — иқтисодиёт соҳасида фаолият олиб бораётган, қолаверса, ўзим учун сеvimли ахборот технологиялари йўналишида ҳам ишляпман. Келинг, яхши, ўз лойиҳаларимга тўхталиб, қилган ва қилаётган ишларим ҳақида гапирсам.

— Албатта...

— Илк лойиҳаларимдан бири Bio ticket деб номланади. Унинг устида 2014 йилдан буён иш олиб бораётимиз. Бу лойиҳа ягона серверда ишловчи дастур ҳисобланади, электрон чипталарнинг сўнги авлодидир. Дастуриимиз универсал. Демокриманки, лойиҳа ҳозирги кунда юртимизда мавжуд онлайн чипта сайтларига рақобатчи эмас, балки мутлақо янгиланган универсал тизим бўлиб, янги авлод технологияси ишлаб чиқилмоқда. Молиявий муаммолар сабаб лойиҳа ҳозирча тўхтаб қолди...

Кейинги лойиҳамиз — Eko business. Буни бошлаганимизга ҳам бир йилдан ошди. Лойиҳа-

ни Тошкент давлат техника университети талабалари — Бобур Нетьматов, Бехзод Тўхтамурадов; ИНҲА университети талабаси — Сайдакмал Мажидхўжаев; ТАТУ талабалари — Улугбек Исमतов, Ҳасанжон Маматалиев, Умид Рус-тамовлар билан бирга ишлаб чиқялмиз. Мамнун қиладигани, руҳлангирлигани, ташаббусимизни Турин политехника университети тўлиқ қўллаб-қувватлагани бўлди. У ердаги мутахассислар ҳам бизга ёрдам беришди. Eko business ҳақида қисқача маълумот берадиган бўлсам, у “ақлли шаҳар” лойиҳаси доирасида қўлланилади. Яъни шу ерда яшайдиган аҳолини ташлайдиган чикиндилари ҳисобига моддий рағбатлантириб боради. Оддий тушунтирадиган бўлсам, сиз чикинди ташлайсиз ва “ақлли сават” сиз ташлаган чикиндида яраша ҳисобингизга пул жойлаб боради. Бу экологик вазият долзарб бўлиб турган бүгунги кунда жуда ҳам фойдали ечим, деб ўйлайман. Одамлар елим пакетлар, полиэтилен идишлар, “баклашка”ларни луч келган ерга улоқтирмасдан махсус “ақлли” идишларга ташлашади. Хуллас, лойиҳамиз такомиллашиб, яқин келажакда кенг қамровли фойдаланилса ҳам атроф-муҳит, ҳам одамларнинг молиявий аҳволи яхшиланишига ҳисса қўшади.

“Ақлли эгар” лойиҳасини ҳам

ишлаб чиққанмиз. Бу от спорти билан шуғулланувчи спортчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Оддий тушунтирсам, чавандознинг йиқилиш эҳтимоли юзага келганда эгарнинг узанги қисми ёрдамга келади.

— Қандай қилиб?

— Спортчи йиқилса унинг оёғи узангида қолиб кетиши ва от уни судраб кетиши мумкин. Бу спортчининг саломатлиги ва ҳаёти учун хавфли. “Ақлли эгар” айни шу хавфни бартараф этади: спортчи йиқилган вазиятда унинг йиқилгани махсус сенсорлар орқали аниқланади ва шу заҳоти узанги узиб юборилади.

— Шу кунгача эришган ютуқларингизга ҳам тўхтайсизми?

— Аслида жуда кўп танловларда иштирок этганман. Уйда бир одамга етадиган диплом ва сертификатларни тўплаб қўйганман. Аммо уларнинг биронтаси ҳам ўзим ният қилган натижаларни қўлга киритишимга етарли эмас, деб ўйлайман. Келинг, шу саволни бир неча йилга қолдириб турсак. Қилаётган ишларимиз одамларнинг тилига тушин, мана бу мен учун ҳақиқий ютуқ бўлади.

— Ҳозирги имкониятлардан унумли фойдалава оляисизми? Қолганлар-чи? Чиндан ҳам ўзи имконият борми? Ёки ҳаммаси куруқ гап, деб ўйлайсизми?

— Нега энди? Имкониятлар бор. Мисол учун 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб белгиланишининг ўзи бир туртки. Бу имкондан фойдаланмасликни катта денгизда манзил томон элтадиган шамолни сезиб-билиб, кеманинг елқанини очмасликка қийсдайдман. Нима дейман: “Лангарни кўтаринг, елқани очинг!”

— Дўстларингизнинг айтишича, сиз жуда муваффақиятли инсон экансиз. Бунинг сени нимада?

— Тўғриси, бундан сеҳабарман (кулади). Узимга айтишмаган. Лекин мен ўзимни ҳали ҳам шоғирд ҳисоблайман. Устозларим берган билим, кўрсатмалар, йўл-йўриқлар мени доим олдинга ундаган. Келинг, яхши, муваффақиятнинг калити бу — ҳаракат дея қолайлик.

— Инновацион технология ва фаол тадбиркорлик? Сиз қайси қатламдасиз?

— Агар фойз ҳисобида қарасак: 90 фойзи — инновацион технология, 10 фойзи — тадбиркорлик. Айтмоқчиманки, ҳозир илмий мақолалар ва илмий ишлар билан ўта бандман. Шуларни тугатиб олсам фаол тадбиркорга айлансам керак...

— Юртимизда сиз ҳавас қиладиган тадбиркорлик кимлар?

— Янги лойиҳаларимда “бизнес” сўзи кўп ишлатилади. Яъни мен шу йўлда ўрганувчиман. Шундай экан ўзининг доимий мижозига ва ишончига эга ҳар бир тадбиркорга ҳавас қиламан.

— Китоб ёки интернет? Қайси яхши? Қайси бирдан кўп фойдаланасиз?

— Тан оламдан, бир техник қурилманинг ишлаши ва уни қандай ишлатишни интернетдан ўрганаман. Ким ноодатий лойиҳа қилмоқчи бўлса, китоб жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Мисол учун, “От 3D” графикасини ишлаб чиқишда жамоамизнинг дизайнери ва етакчиларидан бири Ҳасанжон Маматалиев билан бирга бир неча бор ҳақиқий маълумотларга, яъни китобга таянишга мажбур бўлганмиз.

— Келажак режаларингиз?

— Жудаям кўп! Тўғриси, юртимни ривожлантириб юбораман дейдиган бандларвоз гаплардан қочаман. Лекин бу йўлда бор кўч-ғайратимни сарфлайман. Имкониятлар бор. Тўғри, ривожланган мамлакатлар сафида эмасмиз. Аммо ривожланаётган мамлакатлар сафидамиз. Тез орада биринчилар сафига киришимизга ишонман. Лойиҳаларимиз қўллаб-қувватланмоқда, эътибор ва эътироф ҳам бор. Ростиде-да! Бирор инновацион лойиҳа қилсанг ёки тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлсанг шароит бор. Фақат бизда қиладиган ишларимизга ишонч, меҳнатга муҳаббатимиз юқори бўлса бас! Ҳозир танбаллик қилиб, томошабин бўладиган давр эмас. Темирни қизигида босиб қолиш керак!

— Очқик ва самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

— Меҳнатларимизни эътиборга олиб, руҳлангириб турганингиз учун сизларга ҳам раҳмат.

Ғулумжон НАЗАРОВ суҳбатлашди

“Ақлли эгар” лойиҳасини ҳам ишлаб чиққанмиз. Бу от спорти билан шуғулланувчи спортчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Оддий тушунтирсам, чавандознинг йиқилиш эҳтимоли юзага келганда эгарнинг узанги қисми ёрдамга келади.





# ИЛМ ЭКСПОРТИНИ БОШЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Ўзбекистон чет эллик талабаларни жалб қилиш орқали илм экспортидан катта даромад кўриш имконияти ва салоҳиятига эга давлат. Буни тан олиш, бор имкониятлардан самарали фойдаланиш керак, холос.

“  
Маълумот  
учун: 2016-2017  
йилларда  
АҚШдаги  
4500дан ортиқ  
олий таълим  
муассасаларида  
20 млн.  
нафардан зиёд  
талаба тахсил  
олган бўлса,  
уларнинг  
қарийб 1,8 млн.  
нафари чет  
элликлардир.”

Мени бир масала жуда кўп ўйлантиради: нима учун Ўзбекистон жуда катта салоҳиятга, кадрлар базасига эга бўла туриб мамлакатда чет эллик талабаларни кенг жалб қила олмайди? Ахир, юз йиллик тарихга эга университетларимиз, фойдаланилмаётган илмий салоҳиятимиз, олимларимиз бор. Агар имкониятларимизни тўғри баҳолаб, улардан самарали фойдаланишни бошласак, мамлакатимизга қўшимча миллиардлар доллар маблағ кириб келиши мумкин.

Шу ҳақда фикрларимни қораламоқчи бўлиб, Хитойдаги илмий лабораторияда фаолият олиб бораётган курсдошимдан маслаҳат сўрадим. У менга Ўзбекистон университетлари аввал ўзимизнинг талабаларга тузукроқ билим беришни бошлаши кераклигини, чет эллик талабаларга дарс ўтиш учун инглиз тилини билиш лозимлигини айтиб, яхшиси бошқа мавзу танлашимни маслаҳат берди.

Унинг ҳам гапида жон бор, аслида. Олий таълим даргоҳларида айрим талабаларнинг билим олишга интилиши ва иштиёқи

унчалик ҳам кучли эмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин университетларимизда билимли, бир неча хорижий тилларни билладиган, ҳалол ва виждонли педагоглар, олимлар борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Ўзим таълим олган университет мисолида айтсам, Ўзбекистон Миллий университети кимё факултети декани Одил Мухторов бир неча йиллар муқаддам хорижда PhD ёқлаган, инглиз тилини яхши билади. Кимё фанлари доктори Мухтор Муҳаммадиев, кимё фанлари номзоди Тоҳир Раҳимов эса полимерлар кимёси соҳасида наноматериаллар бўйича илмий иш қилиб, хорижий олимлар эътирофига сазовор бўлган. Кимёнинг энг қийин соҳаларидан бири — математик моделлаш бўйича сабоқ берувчи устозимиз Алишер Эшимбетов Н.Д.Зелинский номидаги органик кимё институти (Москва) ва Ҳиндистоннинг ИТЕС дастури бўйича аналитик ускуналар соҳасида Ҳиндистонда малака ошириб қайтган. Ҳар бир олий таълим муассасаси, илмий тадқиқот институтларида ана шундай жаҳон даражасидаги кадрлар фаолият олиб бораётгани исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатлардан. Уларнинг аксариятини дунёнинг етакчи илм даргоҳлари ҳозироқ ўз сафига қўшиб олишга тайёр эканига ҳам шубҳа йўқ.

Бунинг устига, бугун Ўзбекистонда бир қатор хорижий олийгоҳлар филиаллари фаолият юритмоқда. Уларда таълим халқаро стандартлар асосида олиб борилади. Буларнинг барчасини ҳисобга олиб, ҳукумат Ўзбекистонга хорижий талабаларни кенг жалб қилиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Маълумот учун: 2016-2017 йилларда АҚШдаги 4500дан ортиқ олий таълим муассасаларида 20 млн. нафардан зиёд талаба тахсил олган бўлса, уларнинг қарийб 1,8 млн. нафари чет элликлардир. 2016 йилда чет эллик талабалар АҚШ иқтисодиётига 39 млрд. доллар соф фойда келтирди. Бу ҳали уларнинг ўқиш учун тўлаган пуллари. Бундан ташқари, яшаш, овқатланиш, транспорт ва бошқа харажатлар ҳам борки, барчаси охири-оқибат мамлакат иқтисодиётига фойда қўшаверади.

РХДУ (Россия Халқлар Дустилиги университети)нинг 2017 йилги маълумотида кўра, пулли тахсил олаётган чет эллик талабалардан тушган даромад 84 млрд. рублни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2025 йилга бориб 373 млрд. рублга етиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ҳам чет эллик талабаларни қабул қилувчи реципиент-давлатга айланиши учун биринчи навбатда, кўшни ва яқин хориж давлатлари — Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон ва Покистонга эътибор қаратиш, ушбу давлатлар талабаларига АКТ, техника, иқтисодиёт, нефть-газ, аниқ ва табиий фанлар, хорижий тиллар, тиббиёт каби 36-40та устувор йўналишларда олий таълим хизматларини тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон бошқа мамлакатлардан ўқиш, яшаш ва бошқа харажатларнинг нисбатан арзон-

тўғри келади.

Университет ва институтлар ўқув бинолари, аудитория, ётоқхона ва бошқа инфратузилмалари қўшимча талабалар контингентига мослаб реконструкция қилинса, мамлакатда хусусий университетлар очилишига рухсат берилса, университетларга таълим йўналишларини мустақил танлаш ҳуқуқи тақдим этилса (масалан, ЎзМУда тиббиёт, ҳуқуқ, иқтисод, АКТ, спорт, муסיқа ва бошқа йўналишлар очилса), бу муаммони ҳал этиш унчалик ҳам қийин кечмайди.

Олий таълимда керакли моддий-техник, ўқув-услубий база яратилиб, малакали кадрлар билан тўлиқ таъминланганидан сўнг илмий салоҳият, яратилган шароитлар ва имкониятлар кенг тарғиб қилиниши ҳам керак. Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибдорлиги, экспорт салоҳияти хорижда қандай тарғиб қилинган бўлса, илмий потенциал ҳам шундай PR (пиар) қилиниши керак.

ОТМларимиз ўз сайти устида жиддий ишлар керак. Ваҳоланки, чет эллик талабалар айнан интернет маълумотларидан фойдаланиб у ёки бу ўқишни танлашлари мумкин. Шу ўринда ЎзМУ сайтининг хорижий талабалар ва абитуриентлар учун мўлжалланган контентга эътиборингизни қаратмоқчиман. Афсуски, ўқишга топширишда қандай ҳужжатлар лозимлиги ҳақидаги инглиз тилидаги саҳифа бўмбўш.

Бу саҳифа бир неча хорижий тиллар, айниқса, юқорида санаб ўтилган мамлакатлар тиллари — тожик, туркман, пушту, урду, араб, рус ва инглиз тилларида юритилиши керак. Сайтда мутахассисликлар ва ўқитувчилар ҳақидаги маълумотлар базаси яратилиши лозим.

ОТМлар берган маълумотлар асосида ўқитувчининг чет тилини билиш даражаси, олиб борадиган фани номи каби анъанавий маълумотлардан ташқари, чет тиллардаги илмий ишлари, чет тиллардаги ўқув дастурлари ҳақида маълумотлар базасининг бўлиши муҳим.

Чет эллик талабаларга таълим тилини мустақил танлаш имконияти берилиши керак. Ўзбек тилида таълим олганлик учун қўшимча имтиёз, чегирмалар берилиши мақсадга мувофиқ.

Университетларда маҳаллий кадрлар билан бир қаторда чет эллик ўқитувчи-профессорлар ҳам ишлаши керак. Ўзбекистондаги муҳим илмий изланишларга хорижий тадқиқотчиларни жалб қилиш, чет эллик талабаларнинг илмий салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланиш орқали қўшимча даромад олиш мумкин.

Мамлакатда чет эллик талабаларни кенг жалб қилиш орқали йилга энг камида 800 млн. — 1 млрд. доллар атрофида соф фойда олиш мумкин, агарда 10 минглаб талабаларнинг авиация, транспорт, яшаш ва бошқа мақсадлардаги харажатларини ҳам қўшсак, бу рақамлар янада кўпроқ бўлиши мумкин. Демак, таълим ҳам фойдали ва манфатли экспорт йўналишларидан бири. Бу масалани чуқурроқ ўрганиш, имкониятларни ишга солиш вақти аллақачон келди.

Замира ЮСУПОВА

РХДУнинг 2017  
йилги маълумо-  
тига кўра, пулли  
тахсил олаётган  
чет эллик тала-  
балардан тушган  
даромад 84 млрд.  
рублни ташкил  
этган.

лиги билан устуликка эга бўлиши мумкин. Энг катта муаммо эса олий таълим муассасаларининг қабул имкониятлари чекланган.

Агар АҚШ аҳолисининг 325 миллион, мамлакатдаги талабалар сонининг эса 20 миллиондан ошди эканини инобатга олсак, Ўзбекистонда 32 миллион аҳолига 2 миллион талаба, уларнинг 180-200 минг нафари чет элликлар бўлиши мантиққа



# ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ ҚИЛ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши мамлака-

тимиз ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ушбу қарор орқали кўплаб ватандошларимизнинг юртимиз бўйлаб саёҳат қилишига кенг имкониятлар яратилди.

2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали касабаси уюшмаси қўмитаси томонидан ҳам "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" шиори остида маданий-маърифий саёҳатлар уюштирилди. Жумладан, жорий йилнинг феврал ойда филиалнинг 36 нафар ходими Хива шаҳрининг ҳамда Рамазон ойда 45 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари Самарқанд вилоятининг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишди.

Шунингдек, филиал касабаси уюшмаси қўмитаси ва иш берувчи ҳамкорлигида Ёшлар куни муносабати билан 44 нафар ёш мутахассис учун "Нурота чашма" тарихий-меъморий мажмуасига саёҳат уюштирилди. Улар саёҳат давомида Умар Нур

чашмаси, Нур қалъаси, IX аср ёдгорлиги — "Чилустун" жомеъси, IX аср ёдгорлиги "Нанжавақта" катта гумбаз масжиди, Шайх Абдулҳасан Нурий мақбараси, Нургул бинти Абдулҳасан қабри, Нургулато қудуғи тарихи билан яқиндан танишдилар.

Зиёратдан сўнг филиал ходимлари Нурота шаҳрига яқин Қизилқум саҳроси ўртасида жойлашган Айдарқўлда ҳордиқ чиқардилар, ҳақиқий ўтовда дам олдилар. Бир олам таассурот билан қайтган ходимлар филиал маъмурияти ва касабаси уюшмаси қўмитасига ўз миннатдорлигини билдиришди.

**Н.МАҲМУДОВА,**  
"Ўзбектелеком" АК  
Самарқанд филиали касабаси уюшмаси қўмитаси раиси



## МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг марказида инсон ва унинг ҳуқуқ, эркинликларини таъминлаш туради. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат томонидан ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Давлат фелъдгерлик хизмати шахсий таркиби иштирокчи бўлиб ўтган маърифат дари айнан шу масалага бағишланди. Унга Тошкент давлат юридик университети профессори Феруза Муҳитдинова тақлиф этилди ва "Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари — энг олий қадрият" мавзусида маъруза қилди.

Маърузачи мамлакатимизда амалга оширилаётган суд ҳуқуқ соҳасидаги олиб борилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳимоялаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани, ушбу ҳаракатлар фуқароларимизнинг, айниқса, болалар, хотин-қизлар,

ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур имконият ва шароитлар яратишда ўз ифодасини топаётгани, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидаларига уйғунлиги билан аҳамиятли эканлиги ҳақида сўз юритди.

Маърузада таъкидланганидек, ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи шартлардан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қай даражада ҳимоя қилинганлиги ҳамда унинг амалга ошиши учун қандай шарт-шароитлар яратилган-

лиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдир. Мамлакатимизда ҳуқуқий асос яратилганлигини биз Конституциямиздаги умумэтироф қилинган халқаро ҳужжатлар қоидаларига мос келувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб қўйилганлигидан кўришимиз мумкин.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий моҳияти ҳуқуқ устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг тенглиги ҳамда ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилига асосланган давлат бошқаруви қаратилганидир.

Иштирокчилар маърузачига мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

**Д.АБДУЛЛАЕВ,**  
ДФХ полковниги



## КАТАКЛАРДА НАҚШЛАНГАН ЗЕҲН

Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона марказида вилоят Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳамда Гулистон шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда 20 июль — Бутунжаҳон шахмат кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. "Катакларда нақшланган зеҳн" мавзусидаги ушбу тадбир доирасида АКМ ходимлари, фойдаланувчилари ва Гулистон шаҳрида жойлашган маҳаллалар ёшлари ўртасида шахмат беллашуви ташкиллаштирилди. Беллашувни Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бўлим бошлиғи Д.Дониёров табрик сўзи

билан очиб, иштирокчиларга омад тилади.

Уч босқичда бўлиб ўтган уйинларни ҳакам Анвар Ҳайдаров кузатиб борди. Ниҳоят, учала босқичда ҳам муваффақият қозongan иштирокчилар аниқланди. Унга кўра, биринчи ўрин И.Раҳматуллаевага nasib этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни С.Суёнов ва А.Адашбоевлар қўлга киритдилар. Ҳолилар ва барча иштирокчи ёшларга "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг эсдалик совгалари топширилди.

**Х.РИСКУЛОВА,**  
АКМ ходими

# МУҲТАРАМА АЁЛ

## ёки Болалар тарбияси кутиб турмайди

Кун бироз салқинлаб, ёзув столимга ўтиришим билан деразам рўпарасидаги суҳбатгоҳга кўшни аёллар ҳам тўпланишади. Одатда уларнинг баралла овоздаги гурунглари қулоғимга кирвермайди. Болаларининг қий-чуви, қувноқ овозлари қанчалар хуш ёқса, вақтдек бебаҳо бойликларини елга совураётган аёлларнинг валақлаши шунчалар ёқимсиз. Аммо сабр қилишдан ўзга чорам йўқ. Чунки насиҳатларим кор этмаслигини аллақачон англаб етганман.

Уларга ўқиш учун китоблар бериб кўрдим, ўқишмади. Ҳаммасининг жавоби бир хил: "Майда болларим бор. Китоб ўқишга вақт қайда...". Бир йилча ишхонамда тўплани қолган газеталарни олиб келиб, тарқатдим ҳам, ўқишмади. Бир гал ҳатто "Xabar", "Қалб садоси", "Оила даврасида", "Спорт" шаррос ёмгир остида қолиб кетди. Унутиб қўйишдиёв. Югуриб чиқиб шалаббо бўлган газеталарни авайлаб олиб кириб, қатор қилиб қуритгани қўяр эканман, кўзларимга ёш қуюлиб келди. Менга ҳақарот бўлиб туюлди уларнинг бу сўқирликлари. Эй, боқибегамлар, сизларга китоб ҳам, газета ҳам ҳайф — ичимда шундай китоб қилдим-да, қўлимни ювиб, кўлтигимга урдим, салом-алиқдан нарига ўтмайдиган бўлдим. Уларни ҳеч қачон ўзгартиролмаслигим аён бўлиб қолди. Лекин уларнинг айна шу пайтдаги гап халталари тўлай демаётгани энсамни қотираётган эди. Шу пайт бир нарироқдан болакайнинг ялинчоқ овози эшитилди:

— Ая, қорним очди! Юринг!

Она бўлмишининг эса қизгин суҳбат белига тепилганидан фиғони чиқиб кетди: "Гап-лашгани қўясанми, йўқми. Бор, бор. Уйга кир. Нон сб-тур. Ҳозир кираман...".

Унинг "ҳозир"ини очиққан болажон роса кутдиёв. (Шу аёлларнинг эрлари — ҳарбий зобитлар, у бечоралар Ватаним, болам-чақам деб туну кун хизматда. Буларнинг бўлса ишлари гап сотиш, ғийбат. Шу аёллар учун "Ҳарбий оила мактаби" курслари очилса, бола тарбиясидан сабоқ берилса, саз бўларди-да, деб

ўйлаб қоламан баъзан. Сал тартибга келишармиди. Шу ўринда айтишим керак, ҳамма ҳарбийларнинг аёли шундай маънавий қашшоқ деган фикрдан узоқман.) Лақмаҳонлар қўёш уфққа бош қўйиб, шом қоронгуси тушгачгина, уй-уйларига тарқалишди. Хайрият, дея енгил нафас олган эдим-ки, уй телефони жиринглаб қолди. Фарида экан (Ф.Рустамова — 225-АТС муҳандиси. У 18 ёшидан буён Фарғона филиалида ишлаб келмоқда. 1985-1990 йилларда Тошкент электротехника олоқа институти — ТАТУнинг телекоммуникация йўналишида сиртдан тахсил олган.) У билан "Фарғона Телеком" ва "Фарғона ҳақиқати" ўртасида тижорат шартномаси тузгани борганда танишгандик. Мана, салкам йигирма йиллик ажралмас қадронларимиз.

— Опажон, суюнчи беринг, голиб бўлдик. Мусобақада вилоятда учинчи ўринни олдик, — сўз бошлади у бор шодлиги овозида баралла акс этиб.

— Адашмасам, яқинда голиб бўлдик деб, Бекзоджонга смартфон олиб берувдингиз. Яна қанақа галаба?

— Опажон, суюнчи беринг, голиб бўлдик. Мусобақада вилоятда учинчи ўринни олдик, — сўз бошлади у бор шодлиги овозида баралла акс этиб.

Ғолибларга офаринлар, — дейман астойдил қувониб. — Эсимда. Бундан тўққиз йил муқаддам — Бекзоджон туғилганда "Дадасига ўхшаб шахматчи бўлади. Ўзбекистон номини кўжларга кўтарди", дея эзгу ниятлар қилгандингиз. Бугун амалга ошиб турибдику. Қаранг, сизни бахтиёр айлаб, Бекзоджон ўша кунлар



Суратда: Ёш шахматчи Бекзоджон.

томон илк қадамларни қўйгани кутлуг бўлсин. Табриклар қўйинг азаматини. Янада илгарилаб бораверсин.

— Мактабга чиқишдан олдин боғча болалари ўртасидаги мусобақаларда биринчи ўринни ҳеч кимга бермай келган бўлса, ўтган йили вилоятда ўзи тенгилар ўртасидаги ўйинларда тўртинчи ўринни олди, — дейди Фарида қувонч билан. — Ана энди учинчи ўринни ишғол этиб, энг фахрли ўринлар учун интиляпти. Йул қўйган хатоларини "ход"ларини ёзиб боради, таҳлил қилади, хулосалар ясайди. Ўзича режалар тузади. Фикрлаётганидан бир севинсам, камчиликларини марлачча тан олишдан бир севинаман. Муҳими, муваффақиятларини эътиборсиз қолдирмаяпмиз. Энг йирик совғамиз — планшет бўлганди. Учунчи ўрин учун хонасидаги мебелларини янгилаб бердик. Шундай суюндик, болажоним галабага ҳам, мебелга ҳам асти қўяверинг. Рағбатларда ҳикмат кўплигини шу болам мисолида теранроқ англаб турибман.

— Ҳалиям сизни шахмат тожлари кутяпти, деб уйғотяпсизми?

— Даласи шундай деб уйғотди (Даласи Алишер Рустамов — Ўзбекистон чемпиони, республикада таниқли шахмат мураббийларидан бири). Ўғлимиз рус тилида ўқитиладиган Қирғулидаги 24-

умумтаълим мактаби ўқувчиси. Ўтган ўқув йилида ҳам, бу йил ҳам мактаб маъмуриятидан "Ота-онасига ташаккурнома" олди. Мактабдаги устозларидан жуда ҳам миннатдоримиз. Аммо рус тилида ўқитиладиган мактаблар яхши билим бергани ҳолда, гапнинг рости, бир "лекин"и ҳам бор. Бунақа мактаблар миллий хусни хулқ асосида тарбия беришда оқсайди. Мен менталитетимизга хос, ўзбекона тарбия беришга баҳоли қудрат интиляпман. Биз ўғлимиз келажақда элу юртимизга нафи тегадиган оқил ва фозил инсон, ажойиб мутахассис, жаҳон чемпиони бўлиши учун ҳеч нимани аямаймиз.

Муҳтарам оналар деб шундайларга айтилади. У билан бўлган суҳбатдан кўнгил осмонларим ёришгандан ёришиб кетди. Беадад шукрларким, Ўзбекистон доврўғи, шону шарафи учун муносиб кураша оладиган иқтидорли, зуккою доно ёшларни қаторга қўшаётган Фаридалар беҳисоб кўпдир ва биз улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.


...Мақоламга нуқта қўяр эканман, очиқ деразамдан "кечки суҳбат"га йнгилган "дом"имиз хотин-халажларининг шовқини эшитилди...

Ҳафиза САЎЯХОВА,  
"Xabar"нинг Фарғона  
вилоятидаги муҳбири

Муҳтарам оналар деб шундайларга айтилади. У билан бўлган суҳбатдан кўнгил осмонларим ёришгандан ҳам ёришиб кетди. Беадад шукрларким, Ўзбекистон доврўғи, шону шарафи учун муносиб кураша оладиган иқтидорли, зуккою доно ёшларни қаторга қўшаётган Фаридалар беҳисоб кўпдир ва биз улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

# ИНТЕРНЕТ ҲАММА УЧУН

**Техногигантлар Ер орбитасидаги алоқа учун қандай курашяпти?**



Apple, Google, Facebook ва ҳоказо корпорациялар кўкка умид билан боқишмоқда. Бу "олма пиш, оғзимга туш" эмас асло. Ер усти ва ости, уммонлар туби эгаллаб бўлинган, сайёрамиз жами аҳолисини интернетга улаш учун чинакам кураш энди фазода кечади дегани бу.

Ўртада фақат мавқе ё ижтимоий миссия кўндаланг тургани йўқ. Катта пул ҳақида гап кетяпти. "Яна бир неча миллиард инсонни телефонга, интернетга уласак қанча пул келтиради?". Бу савол гигант корпорацияларга уйку бермаётгани бор гап.

**Apple.** Ҳали биринчи iPhone чиқмасидан туриб Стив Жобс ўз симсиз тармоғини барпо этиш имкониятларини чамалаганди. Bloomberg агентлиги ёзишича, 2017 йили Apple компанияси Googleнинг она компанияси — Alphabetнинг собиқ ходимларидан йўлдошли интернет билан шуғулланувчи турух ташкил қилган.

**Facebook.** Жаҳондаги энг йирик ушбу ижтимоий тармоқ Internet.org лойиҳаси билан банд. Учувчисиз бошқариладиган интернет тарқатувчи лазерли қурилмалар воситасида, телеком-операторлар билан ҳамкорликда, хуллас, интернетни ҳаммаёққа етказиш учун барча чораларни кўряпти. Цукерберг компанияси йўлдошли алоқа ўрнатишга ҳам уринмоқда. Ҳатто 2016 йили SpaceX билан бир пайта ўз ракеталарини учуришга ҳам ҳаракат қилишди. Ракета ва йўлдош старт майдончасининг ўзидаёқ портлаб кетди. Facebook учувчисиз интернет лойиҳасини ёпганига бир ойдан ошди. Аммо компания таслим бўлмоқчи эмас: ҳеч бўлмаганда французларнинг Eutelsat корпорацияси билан ҳамкорликини давом эттирмоқчи.

**SpaceX.** Элон Маск бутун Ер аҳолисини барқарор интернет билан тасминловчи 4500та

йўлдошни қуйи орбитага олиб чиқмоқчи. Бу йил у Falcon 9 ракетасини Microsat-2а ҳамда Microsat-2b йўлдошлари билан учуриб кўрди. Бу умумий қиймати 10 миллиард долларлик Starlink лойиҳасига киришишда дастлабки қадам бўлди. Маск шу тарзда 2025 йилгача 30 млрд. доллар даромад келтирувчи 40 млн. абонентга эга бўлмоқчи.

**SoftBank.** Орбитани ишғол қилишга ёлғиз Маск уринаётгани йўқ. Япониянинг SoftBank компанияси молиялаштираётган OneWeb лойиҳаси унга муносиб рақобат туеириши мумкин. Камига ўрта орбитада SES компаниясига тегишли O3b (Other 3 Billion) лойиҳаси йўлдошлари парвоз қилиб юрибди.

## Нега ҳамма ўз йўлдошларини Ерга яқинроқ жойлаштириш пайида?

■ Биринчидан, ҳозир аксарият интернет-йўлдошлар ишлайётган геостационар орбита ўта тизлашиб кетган, яъни сунғий йўлдошлар сони жуда кўп.

■ Иккинчидан, сайёра юзасидан узокда жойлашув (35 786 км.) туфайли бир томонга сиг-

нал 250 миллисекунддан кўп вақтда етиб боради. Ҳатто мегабитлардаги жуда юқори тезлик ҳисобига ҳам бу кетаётган вақтни қисқартиришининг асло имконияти йўқ. Солиштирадиган бўлсак, масалан, 4G-тармоқларда сигналнинг ушланиб қолиши нари борса бир неча ўн миллисекундга етади.

Бу муаммонинг ечими айнан қуйи ва ўрта орбита йўлдошларида кўриломоқда. Маск ҳар бир абонетга 1 Гбит/сониядан тезлик ваъда қилипти. Сигналнинг тутилиб қолиши ўн мартагача камаяди. Аммо бу ерда бошқа бир муаммо кўндаланг турибди — йўлдош қурилмалар қанча вақтгача ишлаб беради? Муқобил йўлдош атмосферанинг қуйи қатлами бўйлаб ҳаракатланганида ҳавога ишқаланиш туфайли тобора пасайиб боради ва ерга қулаб тушиш эҳтимоли ошаверади. Демакки, буларнинг хизмат муддати геостационар йўлдошлариникидан камроқ бўлади. Яна бир қийин масала шуки, яратилажак тармоқдаги барча йўлдошларнинг уйғунликда ишлаши ва бир хил баланкликда туришини таъминлаш осон кечмайди.

## "Олтин оралик"

Жой учун талаш фақат орбитада юз бераётгани йўқ. Стратосферанинг 25-километрида — самолётлар етиб бормайдиган баландлик учун мўлжалланаётган "пастроқ лойиҳалар" ҳам бор.

Охириги ўн йилларда қуёш батареяларида ҳаракатланувчи ўта баландликда учувчи самолётлар ҳамда ҳаво шарларида интернет тарқатиш масаласи ҳам долзарблашди. Бу йўналишда Airbus (Zephyr энгил самолётлари), Stratobus дирижаблларини ва Googleнинг бориш қийин жойларда 4G сигнал тарқатишга кўмаклашувчи Loon ҳаво шарларини мисол келтириш мумкин. Бу

лоийҳанинг ўзига хослиги — ҳаво шарлари нисбатан узок вақт парвоз қилади: четдан техник кўмаксиз 100 кунгача ишлаб тура олади. Компания шарларни ҳавода янада кўпроқ вақт ушлаб туриш йўлларини қидиряпти.

Хуллас, бу ерда ҳам рақобат ўта кучли, шунинг учун ҳам Facebook компанияси Aquila стратосфера самолётлари лойиҳасини тўхтатди. Аммо бу компания стратосферада ва йўлдошли технологиялар йўналишида ҳаракатланишдан тўхтаганини аниқламайди.

## Googlening йўлдошлар туркуми

Интернет-қидирув гиганти сайёрамизни интернет билан қоплашининг яна бир усулини топди. Яъни 1000дан зиёд йўлдошлар ва ер усти станцияларидан иборат глобал тизим яратмоқчи.

Бу лойиҳада космосга икки гуруҳ йўлдошларни олиб чиқиш кўзда тутилган:

■ Биринчи гуруҳ: оз сонли, бироқ Ердан узокроқ жойлаштирилган йўлдошлар. Йўлдош қанча баландда бўлса унинг қамров ҳудуди шунча кенгайди.

■ Иккинчи гуруҳ: кўп сонли йўлдошлар Ерга яқинроқ масофада жойлаштирилади. Улар тизимнинг катта ўтказувчанлик қобилиятини таъминлайди.

Ҳар бир гуруҳ йўлдошлари Ер экваторига нисбатан Олан 90 даражагача оғиш бурчагига эга бўлади. Шу тарзда бу тизим сайёрамизнинг қарийб 75 фоиз ҳудудини қамраб олади, фақат кубт минтақаларига тизим сигналлари етиб бормайди.

Йўлдошлар туркуми ҳам ҳарбий, ҳам тинчлик мақсадларида, алоқа, навигация, тадқиқотлар учун ишлатилиши кўзда тутилган.

Саҳифани С.АҲАДОВ тайёрлади

“**Ўртада фақат мавқе ё ижтимоий миссия кўндаланг тургани йўқ. Катта пул ҳақида гап кетяпти. "Яна бир неча миллиард инсонни телефонга, интернетга уласак қанча пул келтиради?". Бу савол гигант корпорацияларга уйку бермаётгани бор гап.**”



# K-DATA АГЕНТЛИГИ


Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетига  
500 минг долларлик дастурни тақдим этди

Корея компанияларининг дастурий таъминотлари маълумотлар соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш учун фойдаланилади.

Жанубий Кореянинг Korea Data Agency (K-Data) агентлиги Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетига маълумотлар базасини мониторинг ва таҳлил қилиш учун қарийб 500 минг долларлик дастурий таъминотни тақдим этди. Бу ҳақда университет матбуот хизмати хабар берди.

Бош менежер Жун-хюн Ли раҳбарлигидаги K-Data делегацияси 2018 йилнинг 25 июл кuni Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети (IUT)га ташриф бурди.

Ташриф доирасида K-Data агентлиги IUT маъмуриятига Wise Intelligence ва Exem томонидан ишлаб чиқарилган маълумотлар базасини мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш бўйича бепул лицензияларни тақдим этди. Корея компанияларининг



дастурий таъминотлари маълумотлар соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш учун фойдаланилади.

Жанубий Корея делегацияси ташрифи доирасида IUTнинг биринчи проректори Чо Ву Суг ва K-Data агентлиги бош ме-

нежери Жун-хюн Ли ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатга мувофиқ, томонлар маълумот соҳасидаги талабалар ва тадқиқотчилар малякаси ва кўникмаларини биргаликда оширишни мўлжалламоқда.

Шунингдек, IUT ва K-Data агентлиги маълумотлар соҳасидаги қўшма тадқиқотлар ва лойиҳаларни, шу жумладан, очик маълумотлар, маълумотларни таҳлил қилиш, маълумотларни бошқариш, маълумотлар сифати ва бошқа соҳаларда амалга оширишни режалаштирмоқда.

Ҳамкорлик соҳаларидан бири ахборот соҳасидаги билим, тажриба ва ахборот алмашиш учун турли конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш бўлади.

## АЛОҚА ОЛАМИДА

### КАМЕРАЛАР

#### SONY 48 МЕГАПИКСЕЛ КАМЕРАЛИ СМАРТФОН ЧИҚАРАДИ

Sony компанияси 48 мегапикселли IMX586 сенсорини чиқаришини маълум қилди, бу камерани японларнинг янги флагман смартфонларидан бирида кўрамир. Қурилма тақдимоти августда бўлишини TechRadar хабар қилган.

IMX586 сенсори мобил қурилмалар бозори учун рекорд кўрсаткич — 48 мегапикселга эга. Ишлаб чиқарувчи тасвир сифатининг ўта юқори бўлишига ваъда берган, бу жумладан, зум ва ёруелик паст бўлган ҳолатлар учун ҳам тааллуқли.

Ҳозирча тасдиқланмаган маълумотларга кўра, Берлинда август ойи охирида бўлиб ўтадиган IFA 2018 кўргазмасида тақдим этиладиган Sony Xperia XZ3 смартфонига шу камера ўрнатилди.

### СМАРТФОНЛАР

#### NOKIA 6НИ ҚИДИРМАНГ, БАРИБИР ТОПОЛМАЙСИЗ

2018 йил бошида тақдим қилинган Nokia 6 (айрим бозорларда Nokia 6.1. номи билан танилган) сотувдан олинмоқда — бренднинг бошқарувчи HMD Global компанияси шу қарорга келган.

“Life.ru” ёзишича, нисбатан янги пайдо бўлган смартфоннинг сотувдан олинишига сабаб унинг ўрнига янги моделлар чиқарилишидир.



Nokia 6 ўрнини янада тақомиллашган қурилмалар эгаллайди, масалан, шулардан бири Nokia 7га 7 ГБ оператив, 64 ГБ сақлов хотираси ўрнатилган.

Nokia 7 ҳам худди Nokia 6 сингари 175 доллардан сотилади.

### БОЗОР

#### ALPHABET: 5 МЛРД. ДОЛЛАР ЖАРИМА ВА ОМАДЛИ ЧОРАК

Googleнинг она компанияси — Alphabet иккинчи чорак якунларини эълон қилди. Натижалар жуда яхши, ҳатто компанияга Европада монополияда айблаб 5 млрд. доллар жарима юклаган ҳам.

Иккинчи чоракда технологик гигант 3,2 млрд. соф фойда олди. Даромад эса 32,7 млрд. доллар — Уолл-Стрит таҳлилчилари кутганидан 500 миллион доллар кўп.

Европа Иттифоқи жаримасига эса компания апелляция беришни режалаштирган.

### АМАЛИЙ ТИЗИМЛАР

#### ANDROID 7.0 Nougat



#### ЭНГ ОММАЛАШГАН АНДРОИД АНИҚЛАНДИ

Google Play статистикаси чиқди: унда Android амалий тизимининг қайси турлари энг кўп ишлатилаётгани маълум қилинган.

Ҳозир энг оммалашган тизим Android 7.0-7.1 Nougat ҳисобланади, унинг андроидлар орасидаги улуши 30,8 фоизга етди. Android 6.0 Marshmallow эса иккинчи ўринда — 23,5 фоиз. Учинчи ўриндаги Android 5.0-5.1 Lollipop эса бозорда 20,4 фоиз улушга эга.

Энг янги андроид — Android 8.0-8.1 Oreo ҳозирча қурилмаларнинг 12,1 фоизига ўрнатилган.

### БРАУЗЕРЛАР

#### FIREFOXДА АУДИО ВА ВИДЕОНИНГ АВТОМАТИК ИШЛАШНИ ҲАМ ҚЎЙИШ МУМКИН

Баъзи сайтларда овозли ва видео файллар ўзидан ижро этилиб кетиши кўпчиликка ёқармайди. Уларни чеклаб қўйиш функцияси Chrome ҳамда Safari браузерларида бор эди, энди у Firefox браузерларида ҳам татбиқ этилди.

Ҳозирча бу функция синов тариқасидаги Firefox Nightlyда ишламоқда. Mozilla компанияси барқарор Firefoxни октябрда тўлиқ тақдим этади.

Firefox Nightly орқали бирор сайтни очганда, ундаги овозли видеоларлар автоматик ижро этилиши мумкинлиги ҳақида браузер дарҳол фойдаланувчидан сўрайди. Шунингдек, браузер соҳамаларига кириб, аудио ва видео файлларнинг автоматик янграшени барча сайтлар учун бир йўла чеклаб қўйиш ҳам мумкин.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

### АКЦИЯЛАР

#### ЦУКЕРБЕРГ ИККИ СОАТДА 17 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ЙЎҚОТДИ

Facebook компаниясининг акциялари қиймати таҳлилчилар салбий прогноз берган чорак ҳисоботи эълон қилинганидан кейин кескин тушиб кетди: Цукербергнинг йўқотиши қарийб 17 млрд. доллар. Bloomberg агентлиги хабар беришича, компания акциялар қийматсизланишидан 130 млрд. доллар йўқотди.

Агентлик хабарида ёзилишича, бу ижтимоий тармоқ тарихидаги акциялар қийматининг энг кескин пасайиши бўлиб, Цукербергнинг дунёдаги энг бой одамлар рўйхатида ҳам қуйига шўнғишига олиб келиши мумкин.

Ҳисоботда Facebook чорак давомида 13 млрд. доллар фойда олгани ёзилган. Ижтимоий тармоққа ҳар кунни кутилганидек 1,49 млрд. нафар эмас, балки 200 миллион киши кам кирган. Акциялар қийматининг 24 фоизга арзонлашишига компания фойда кўрсаткичларининг етарлича ўсмаётгани ҳам сабаб бўлган.

Марк Цукерберг июл ойи бошида Bloomberg талқини бўйича энг бой одамлар рўйхатида учинчи ўринга кўтарилган. Унинг мол-давлати ўшанда 81,6 млрд. долларга баҳоланган.



**Крим декларацияси:**

**Крим — Украина худуди**

АҚШ “Крим декларацияси” номли ҳужжати эълон қилди. Расмий ҳужжатда таъкидланишича, АҚШ Россиянинг Крим устидан ҳукмронлигига чек қўйилишини талаб қилади. Шунингдек, Украина давлатининг ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлайди. “Шундай ҳаракатлар билан Россия Буюк миллат номига номуносиб ишларга қўл урмоқда ва ўзининг халқаро ҳамжамиятдан яққаланиб қолишига рози бўлапти”, дейилади “Крим декларацияси”да.

Буюк Британия ҳукумати ҳам АҚШни Кримнинг Россия таркибига киришига қаршилик кўрсатишда қўллаб-қувватловчи баёнот берди. Унда таъкидланишича, Лондон Россия томонидан давом этаётган халқаро ҳуқуқларнинг бузилишини қоралайди. “Крим — Украина худуди”, — дейилади хабарда. Британия ҳукумати, шунингдек, Кримда инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳамда яриморолнинг Россия таркибига киришига қарши овоз берган озчиликдан хавотирда.

Аввалроқ АҚШ Давлат департаменти раҳбари Майк Помпео Вашингтон Кримнинг Россияга ўтишини тан олмаслигини маълум қилиб, Москвани “яриморол истилоси”ни бас қилишга чақирди. Украина президенти Пётр Порошенко АҚШга ушбу қадам учун миннатдорлик билдирди.



**Анвар Қорақош: “Рози бўлишмаса, уруш очамиз”**

Бирлашган Араб Амириклари ташқи ишлар вазири Анвар Қорақош БМТнинг Яман бўйича махсус вакили Мартин Гриффитсга “Ансоруллоҳ” ҳаракати аъзоларини Худайда мавзусида кўндирма олмас, бу шаҳарда яна ҳарбий операциялар амалга оширилишини айтди. Гриффитс ўтган ҳафта Худайда шаҳрини тўқнашувлардан асраш мақсадида сиёсий ечим режасини тақдим этган эди.

Эслатиб ўтамиз, Саудия Арабистони бошчилигидаги коалиция билан курашаётган ҳусийлар 13 июнда уларга қарши ислом коалицияси томонидан “Олтин ғалаба” операцияси бошлангандан кейин мағлубият ёқасига келиб қолди. Бу операция давомида Қизил денгиз бўйида жойлашган стратегик муҳим шаҳар Худайда босиб олинган.

**Қозоғистон Россиядан парранда**

**гўшти ва тухум олиб кирилишини чеклади**

Қозоғистон Россиянинг Орлов, Ростов ва Нижегородский вилоятларида юқори патоген парранда гриппи тарқалгани сабабли Россиядан парранда гўшти, тухум, пат олиб кирилишини чеклади. “Қозоғистон қишлоқ ҳўжалиги ветеринар назорат кўмитаси Қозоғистон худудида Россиянинг юқориди санаб ўтилган вилоятларидан тирик парранда ва инкубатор тухуми, пат, парранда гўшти ва иссиқлик ишловидан ўтмаган паррандачилик маҳсулотлари, паррандалар учун озиқа ва озиқавий қўшимчалар, токсидермик ишловдан ўтмаган ов ўлжалари ҳамда паррандаларни сақлаш, сўйиш ва нимталаш учун ишлатилган қурилмааларни олиб киришга вақтинчалик чеклов-

лар киритди”, — деб айтилган хабарда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, парранда гриппи кўпинча яққол симптомларсиз кечувчи қушлар юқумли вирус касаллиги ҳисобланади. Баъзи ҳолларда вирус одамлар ва ҳайвонларда касаллик ёки симптомларсиз инфекциялар келтириб чиқариши мумкин.

лар киритди”, — деб айтилган хабарда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, парранда гриппи кўпинча яққол симптомларсиз кечувчи қушлар юқумли вирус касаллиги ҳисобланади. Баъзи ҳолларда вирус одамлар ва ҳайвонларда касаллик ёки симптомларсиз инфекциялар келтириб чиқариши мумкин.

**ЕИ суюлтирилган**

**газ импортини кескин оширади**

Европа Иттифоқи, энергия таъминотини диверсификация қилиш мақсадида, АҚШдан суюлтирилган табиий газ импортини оширишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда АҚШ президенти Доналд Трамп ва Еврокомиссия раҳбари Жан-Клод Юнкернинг қўшма баёнотида айтилган.

Баёнот Трамп ва Юнкернинг музокаралари якуни бўйича эълон қилинди. “Европа Иттифоқи Қўшма Штатлардан кўпроқ суюлтирилган табиий газни импорт қилмоқчи. Бу энергия етказиб бериши диверсификация қилиш учун амалга оширилади”, — дейилади баёнотда.

Ҳозирги вақтда ЕИга суюлтирилган табиий газни кўпроқ Россия етказиб беради.



**Нино Буржанадзе: “Грузия ҳали-бери НАТОга қиролмайди”**

Грузия парламенти собиқ спикери Нино Буржанадзенинг “Известия” газетасига берган интервьюсида маълум қилишича, Грузия ҳал этилмаган иккита этник можаро туғайли яқин вақт ичида НАТО аъзосига айланмайди. Аввалроқ, НАТО бош котиби Йенс Столтенберг Грузия НАТО аъзосига айланиши ҳақида гапирган, аммо аниқ муддатларни ошкор этмаган эди.

Буржанадзе Столтенбергнинг сузларига изоҳ бериб, Грузия ҳукумати бу каби сузларни йилдан бери эшитиб турганини таъкидлади. Собиқ спикернинг айтишича, мамлакатда иккита этник можарога ечим топилмагунга қадар, Грузиянинг НАТОга кириши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

**Туркия Гулен ҳаракати**

**билан курашни давом эттиради**

Туркия миллий мудофаа вазири Худуси Акар туркиялик журналистларга берган баёнотида айтишича, ҳукумат армия сафига қўшилиши мумкин бўлган Гулен ҳаракати билан курашни давом эттиради.

Фатҳуллоҳ Гулен 2016 йил июлида армия сафида хизмат қилувчилар орасида тўнтарил қилишга ҳаракат қилишда айбланганидан сўнг унинг

тарафдорлари бирин-кетин ишдан бўшатилган. Туркия бу ҳаракат давлат хавфсизлигига жуда катта хавф олиб келишидан хавфсизайди.

Эслатиб ўтамиз, икки йил олдин — 2016 йил 16 июлда тўқнашувлар вақтида тинч аҳоли вакилларидан 250 киши ҳалок бўлган, икки мингдан ортиқ киши жароҳатланганди. Асосий воқеалар Анқара ва Истанбулда бўлиб ўтган эди.

**Венесуэла гиперинфляциядан қутулмоқчи**

Қийин иқтисодий муаммолар исканжа-сида қолаётган Венесуэла президенти Николас Мадуро тез орада иқтисодий ривожланиш дастурини ишга тушириши ҳақида гапирмоқда. Ҳозирча ошкор этилган янгилик шуки, миллий валюта бирлиги — боливарни катта инфляцион жарликдан қўтқариб қолиш учун муоамаладаги пуллардан сўнгги бешта нолини олиб ташлаш таклиф этилмоқда. Мадуронинг айтишича, учта нол ўрнига бештасини олиб ташлаш қутулган инфляция даражасини бир маромда жилволашга ёрдам беради. Шунингдек, Николас

Мадуро петро деб номланган криптовалютани ҳам муоамалага чиқаришни режалаштираётганини айтди. Аммо, бу ҳақда батафсил тўхтаб ўтилмади. “Монетар ислохотлар жорий йилнинг 20 август кунидан бошланади”, — дейди президент маҳаллий телеканаллар орқали жонли эфирга узатилган мурожаатномасида.

Халқаро валюта жамғармасининг прогнозларига кўра, Венесуэладаги гиперинфляция йил якунига қадар 7 хонали рақамга яқинлашиб қолади. Шундай инфляция тарихда фақат Зимбабве ва Германияда кузатилганди.



**2019 йилда учар**

**автомобил сотувга чиқади**

Terrafugia компанияси ўзининг Terrafugia Transition учар автомобилни 2019 йилнинг бошида сотувга чиқариши ҳақида маълум қилди. Қанотлари йиғилдиغان ушбу авто-самолёт нархи 330 минг доллар бўлиб, тезлиги соатига 161 км. Энг узоқ парвоз 644 километргача давом этади. Ерда эса Terrafugia Transition қанотлари йиғилган ҳолатда соатига 100 километр тезлик билан юра олади. Аппарат газ-электр двигателда ишлайди ва Boost функцияси билан таъминланган. Бу моторнинг қудратини қисқа вақтда ошира олади. Шунингдек, учар автомобиль тўртта хавфсизлик ёстиқчаси ҳамда парашют билан жиҳозланган.

**Россия Саудия**

**Арабистонини ортда қолдирди**

“Россия шу йил май ойида ҳар кунни ўртача 10,6 миллион баррел нефть қазиб олиб, Саудия Арабистонидан ўзиб кетди”, — дея хабар бермоқда “Анадолу” ахборот агентлиги. Россия федерал статистика хизмати (“Росстат”) маълумотларига кўра, Россия май ойида кунига ўртача 10,6 миллион баррел нефть қазиб олган, СА эса 9,99 миллион баррел.

ОРЕСка аъзо давлатлар шу йил 23 июни Венада ўтказилган йиғилишида нефтнинг кунлик қазиб олиншини 1 миллион баррелга оширишга келишиб олган эди. Шундан келиб чиқиб, Россия нефть қазиб олишни яна 200 минг баррелга оширмоқчи.

**Сайлов комиссиясига 57 млн. доллар ажратилди**

Афғонистонда парламент ва вилоят маслаҳатчилари сайлови учун яна қўшимча 57 млн. АҚШ доллари ажратилди.

Муствақил сайлов комиссияси ҳамда сайловлардаги адолатсизликлар билан шуғулланувчи Комиссия вакиллари адолатли фаолият юриштирари тўрғисида ҳамкорлик келишувини имзолашди. “Ушбу битим сайлов фа-

олияти шаффофлигини таъминлашда жуда муҳимдир. БМТга аъзо давлатлар сайловга тайёргарлик қўришда халқаро ҳамкорлик қилишга ваъда беришди”, — деди БМТнинг Афғонистондаги ваколатхонаси бош котиби вакили Тадамичи Яомото. Парламент сайловлари 20 октябр кунини ўтказилади. Овоз

беришда қатнашиш учун мамлакат фуқаролари рўйхатдан ўтиб, сайлов гувоҳномасини олишлари керак. Рўйхатдан ўтиш муддати 14 апрелдан 3 августгача деб белгиланган. Ҳозирги пайтда 8,9 миллион фуқаро рўйхатдан ўтди. Уларнинг 3 миллиондан ортиқроғини аёллар ташкил қилади.

У.ТОЖИБОВ тайёрлади

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)


**К**ўшим ярим кечаси бизнинг хонамиздан шубҳали қичқириқни эшитиб, қандайдир нохушлик юз берганлигини гумон қилган ва полиция участкасига хабар берган экан.

Мен мийғимда кулим-сирадим. Нимага қўрқар эканман? Жентлменларни назокат билан ичкарига таклиф қилдим. Уларга кечаси ёмон туш кўрсам дол солиш одатим борлигини айтдим. Чол ҳозирча дам олиш учун қишлоққа кетганини тушунтирдим уларга. Мен меҳмонларни бутун хона бўйлаб айлантириб кўрсатдим. Мана, истаган ерингизни қаранг, кўринг, дедим. Кейин чолнинг хонасига олиб кирдим уларни. Унинг бойликларини кўрсатдим. Мана, ҳаммаси бус-бутунича турибди. Хатто, уларни хушмуомала билан стул олиб ўтиришга даъват этдим. Чарчаб кетган-да, бечоралар. Мен ўзимни мутлақо голиб санардим. Ўзим ўтирган стул боягина суғурилиб қайта михланган тахталар устида, полициячиларнинг рўпарасида қўйилганди.

Улар мендан мамнун эдилар. Мен ўзимни жуда бемалол ва хотиржам тутатгандим. Уларнинг ҳар бир саволига ҳазил-хузул билан жавоб қайтарардим. Шунда улар ўз-ўзича гаплаша кетишди. Бироқ, кўп ўтмай рангим оқара бошлаганини,

# ЮРАК

(ҲИКОЯ)



кутилмаган меҳмонларнинг тезроқ кетишини истаётганимни сездим. Бошим оғрий бошлади. Қулоғим остида қандайдир овоз шанғиллай бошлади. Улар ҳали-вери турай дейишмасди. Шунда бояги товуш қулоғим тагида тобора яқинроқ, аниқроқ ва қаттиқроқ эшитила бошлади.

Бундан, албатта, мен бироз ўзимни йўқотиб қўйдим, бироқ нутқим ҳалиям равон эди. Овоз эса кучайиб келаверди, нима қилишим керак? Товуш жуда яқиндан, ўқтин-ўқтин, худди пахтага ўралган соатнинг чиқиллаши каби эшитиларди. Мен

бу овоздан бўғилиб кетдим. Аммо ҳукумат вакиллари табиийки, буни эшита олишмасди.

Мен бетоқатлана бошладим, дукурлаш овози эса шафқатсиз суратда ўсиб борарди. Мен ўрнимдан сапчиб турдим-да, нималарнидир ўзимча гўлдирай бошладим — овоз кучаяверди. Анавилар нега кетмаяпти? У ёқдан-бу ёққа безовталаниб бориб келавердим. Меҳмонлар ҳам мени бироз хавотирга солиб қўйганди. Овозинг ўқкур товуш эса варанглаб бораётди. Э Худо! Нима қилишим керак? Аъзои баданимни тер босди, ўз-

Эдгар ПО

ўзимча сўкина бошладим. Менинг қурбоним қўним топган пол устида турган стулни асабий айлантира бошладим, олдин-кетин силжитиб, гўёки, шу билан лаънати товушни босиб кетишни истагандим — баттар авжига минди.

Баландлаб бораверди, бораверди, бораверди... Меҳмонлар эса, ҳеч гап бўлмагандек ўзларича гурунглашиб ўтиравердилар. Наҳотки, уларга эшитилмаяпти? Йўқ, йўқ, о, Парвардигори олам! Улар эшитишган, билишади, шунчаки, менинг қўрқатганимни кўриб, калака қилишяпти. Менга ўша пайти шундай туюлганди, ҳалиям шундай туюлади. Нима бўлса, бўлди — шу азобдан қутулсам бас. Уларнинг масхара-омуз тиржайишига ортиқча тоқат қилолмайман. Бу кинояли табассумларга бошқа чиқолмайман. Агар ҳозир қичқириб юборсам, аниқ ўламан. Ўҳ лаънати овоз, қулоғимни тешиб юборди ҳозир.

— Ваҳшийлар, — дея бақирдим ўзимни тутолмай, — бўлди, бас, етар!!! Тан оламан, мен ўлдирдим уни, мен! Мана, тахталарни кўчириб олинг! Ҳа, худди шу ерда. Унинг юраги тинимсиз уряпти, унинг юраги мени тинч қўймапти!!!

Рус тилидан  
Рустам ЖАББОРОВ  
таржимаси

## КИЧИК ҲИКОЯЛАР

### Ҳозирги болалар

**Б**ола эдим. Қорбобо борлигига, совғалар олиб келишига ишонардим. Улғайиб унинг чўпчак эканига зўрға ишондим. Ишонгим келмади. Кейинчалик эса тўрт яшар ўғлимга дедим:

— Яхши бола бўлсанг, Қорбобо совға беради!  
— Ойи, Қорбобо фақат эртақларда бўлади, нима ёш боламисиз?

### Абадий қонун

**А**ввал она боласининг Абешигини тебратди. Сунгра фарзанд волидасининг тобутини кўтарди. Ҳаётнинг аччиқ ва абадий қонуни шу экан.

### Ватан ва Севги

**У**лар интернетда танишишди. Уч йиллик ёзишмалардан сўнг бир-бирисиз турулмасликларини тушунишди. Аммо, бир лекин бор эди. Йигит бошқа миллат, қиз ўзга эллик эди.

— Мен ватанимни, ўйимни ташлаб кетолмайман, — деди қиз, — бирга бўлишимизни истасангиз,

ўзингиз келинг! Шу ерда, менинг диёримда бир умр бахтли-саодатли яшаймиз...

Йигит кўп ўйланмади: дарров рози бўлди. Кўп ўтмай қизнинг қаршисига пайдо бўлди.

— Сизга турмушга чиқолмайман, — деди қиз пойига чўккан йигитга қараб, — ватанидан, оиласидан бир зумда кечган инсон мендан қанча вақтда кечиб кетаркин? Орпингизга қайтинг, сизни оқ ювиб, тараган тупроғингиздан айрилманг.

### Ижодкор

— Мен катта ёзувчи бўлмоқчиман! — деди у хотинига, фарзандларига. — Ижод қилаётганимда халал берманглар!

У туну кун ижод қилди. Унга кўзларини мўлтиратиб тиккан қизини ҳам, юрак ютиб бўйнига осилолмаган ўлини ҳам кўрмади. Жўфтига бағишшолмаган изҳорларини китобига битди. Фарзандларига айта олмаган ширин сўзларини китобига битди. Оиласига кўрсатолмаган гамҳўрликни китобда исботлади!

У танилди. Унинг шоҳ асарлари минглаб нусхаларда чоп этилди. У шону шуҳратга бурканди.

— Энди етар, — деди бир кун қўлидаги қаламни қўйиб, — кексайибман...

Шундай дея атрофига қаради: ҳеч ким йўқ эди.

У бир уюм китоблари ичра ёлғиз қолганди.

### Китоб

**У** китобни турфа кўйга солди.

Тандирни ёқиш учун тутантириқ қилди. Писта сотаётганда варақларини йиртди. Асабига тегаётган пашшаларга қарата қурол қилди. Уғилларига "самолёт" ясаб берди. Эшик очик турсин учун тиркагич қилди. Дераза ойналарини артди. Ҳатто ҳожатхонада ҳам фойдаланди... Аммо бирор марта ўқиб кўрмади.

### Лаганбардор

**М**ансаб отига минганда у ёнида ҳозир бўлди. "Сиздан яхшиси йўқ", деди. Курсига ярашган елкаларини уқалаб қўйди. Базмларда уни алқаб қадаҳлар сузди.

Мансаб отидан тушганда уни тополмай қолди. Исми нимаиди, эслолмади ҳам. Аммо унинг жарангдор овози собиқ хонасидан

эшитилиб турарди. У янги бошлиққа қарата шеърлар ўқирди...

### Қайтар дунё

— Нега учала қизим ҳам бебахт?! — Яратганга нола қиларди ота.

Аммо йигитлик чоғида алдаб кетган қанча қизлар додини эслолмасди ҳам.

### "Ваъда"

— Бўлди, бошқа ичмайман! Эркаклик сўзим! — хотинига қараб тебрана-тебрана сўз берди эр. Аёл мингинчи ваълага ҳам ишонди...

### Ҳасад

**Й**игит ногирон эди. Расо қизни севиб қолди. Унга эришиш имконсиз... Аммо мўъжиза содир бўлди. Қаршисида пайдо бўлган Хизрни кўриб йигит шошиб қолди.

— Муҳаббатингга етасан, бўтам. Тила тилагингни! Хизр йигитдан "оёқларим юриб кетсин", деган истакни кутанди. Бироқ унинг тилидан:

— Суйганим ҳам юролмай қолсин, — деган сўзлар учди...

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

# БАХТИНГ БЕКАМ БЎЛСИН, БОЛАЖОН!

Мана, ёз фаслининг иккинчи ойи ҳам тугаб борапти. Бу йилги июл ҳар қачонгидан-да иссиқ келди. Ана шу жазирама кунларида ва умуман мавсум давомида “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телеком” тармоқлар эксплуатацияси маркази тасарруфидаги “Алоқачи” болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқараётган болажонлар учун қандай шароитлар яратилганини билиш мақсадида марказ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Жаҳонгир Абдумўминов ҳамроҳлигида ана шу сўлим масканда бўлди.



“Бу ерда болаларнинг зерикшига вақтлари йўқ. Кетиш пайтларида кўзда ёш билан хайрлашилади.”

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оромгоҳ тоғлар бағрига туташ Оқтош қишлоғида жойлашган бўлиб, бу ерда ҳаво ҳарорати энг иссиқ пайтларда ҳам анча салқин бўлади. Бу боралда оромгоҳ худудидаги кўп йиллик мевали ва манзарали дарахтларнинг, турли навдаги атиргул ва мавсумий гулларнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Айниқса, сифатли таъмирдан чиқарилган чўмилиш ҳавзаси иссиқ пайтларда болажонларнинг сеvimли жойига айланади.

— Кейинги кунлардаги жазирама бу ерга ҳам ўз таъсирини ўтказди, — дейди оромгоҳ бошлиғи Олга Шевцова. — Бу кунларда янаям эҳтиёткорроқ бўлишга ҳаракат қилдик, тарбиячиларимиз болаларни бир зум ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Айниқса, шифокоримиз Ўсар Ҳасанов ҳамда Гулмайрам Умарова, Фйнур Мусиралиева каби ҳамшираларимиз янада ҳушёрроқ бўлишди. Бу тиб-

биёт ходимлари ўз касбининг усталири ҳисобланишади. Улар ёзги дам олиш мавсуми бошланганидан бери бу ерга келган ҳар бир бола учун жавобгарликни ҳис қилиб меҳнат қилишяпти.

Дарҳақиқат, оромгоҳда меҳнат қилаётган 49 нафар ходимнинг ҳаммаси зиммасига юклатилган вазифа масъулиятини яхши билишади. Болажонлар, айниқса, қўли ширин ошпазлардан Шомурод Шабасев, Жаҳонгир Иброҳимов, Хусан Жиянбеков ҳамда Зикр Раҳимбердиевлардан мамнун эканликларини билдиришди.

— Бизга кун давомида уч маҳал иссиқ овқат, икки маҳал қўшимча овқат берилади, — дейди хоразмлик 5-синф ўқувчиси Севинч. — Бу ерда мириқиб дам олишимиз учун ҳамма шароит яратилган. Хоналаримиз шинаям ва озода. Тарбиячилари-

миз томонидан тайёрланган “Спортландия”, “Эртақлар яхшиликка етаклар”, “Қувноқ экспресс”, “Жаҳон халқлари рақслари” каби тадбирлар бизга жуда ёқди.

Севинч болаларча бегуборлик билан “Сизларга хоразмча қўшиқча рақс тушиб берайми?”— деди кўзлари ёниб. Шу пайт Урганч ахборот технологиялари касб-хунар коллежи 3-гуруҳ ўқувчиси, оромгоҳда тарбиячи бўлиб ишлаётган Фарангиз Полвонова телефонини ёқди. Қўшиқ сўзларига монанд гўзал ҳаракатлари, юзларидаги қувонч Севинчнинг бу ерга келганидан мамнунлигини, юрагида орзулари мўллигини билдириб турарди.

Рақс тутагач, патила сочлари ўзига ярашиб турган бу кизчага алоҳида миннатдорлик билдирдик ва “Бахтинг ҳамиша бе-

кам бўлсин, болажон!” дедик унинг қувончига шерик бўлиб.

— Бу йилги мавсумда яшаш шароити оғир бўлган Қорақалпоғистон ва Хоразмдан 153 нафар болани қабул қилдик, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул Шаҳло Муротқулова. — Улар оромгоҳимизда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этишди. Бундай тадбирларни биз ҳар кун итказамиз. Айниқса, спорт тадбирлари — футбол, волейбол, шахмат, шашка, энгил атлетика, сузиш бўйича мусобақалар жуда қизиқарли ўятпти. Фолибларни эса тақдирлаб борамиз. Шунингдек, компьютер ўрганиш, инглиз тили, бадий тўғарақларимиз мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда болаларнинг зерикшига вақтлари йўқ. Кетиш пайтларида кўзда ёш билан хайрлашишади.

Шаҳлонинг гапларига қараганда, оромгоҳга ҳар мавсумда 350 нафардан жами 1400 бола қабул қилиниши керак экан. Лекин кейинги икки мавсумда дам олувчилар сони ортибди. Шу сабаб маънавият ва маърифат хонаси, кутубхонанинг иккинчи қаватига ҳам жой ҳозирланиб, болаларни қабул қилишибди.

Ҳа, келажатимиз эгаларига бўлган бундай муносабат эртага ўз мевасини беради, албатта. Алоқачиларнинг фарзандлари ўз ота-оналари каби халқимизга астойдил хизмат қилиб, юрт ривожига муносиб улуш қўшишади.

Муборак МИРКАМОЛОВА,  
“Хабар” мухбири



## ЭЪЛОН!

### “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЯНГИ ТАРИФЛАРНИ АМАЛГА КИРИТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг келишувига асосан, 2018 йил 15 августдан бошлаб почта алоқасининг универсал хизматларига янги тарифлар амалга киритилади.

20 граммгача бўлган почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ичида жўнатиш учун қуйидаги тарифлар ўрнатилган:

- Оддий хат-хабарлар — 900 сўм.
- Буюртмали хат-хабарлар — 1 800 сўм.
- Оддий бандерол — 900 сўм.
- Оддий майда пакет (100 граммгача) — 1 100 сўм.

Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча почта алоқаси корхоналари ва бўлимларида ва [www.pochta.uz](http://www.pochta.uz) сайтида мавжуд.

Почта хизматларидан фойдаланинг!



#### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“ALSKOM” сугурта компанияси жамоаси компаниянинг Фарғона филиали Чимён бўлинимаси бошлиғи Аъзамжон Дадахўжаевга ўғли

**Шерали ДАДАХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирлик ходими Ҳанифа Тиллабаевага опаси

**Муҳаббат БОЙМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирлик ходими Дилноза Юсуповага синглиси

**Дилфарўз ТОҶИБЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

# ЁЗУВЛАР КИМЛИГИМИЗНИ КЎРСАТАДИ

**Чаласаводлик билан ёзилган реклама ва эълонлар, пешлавҳаларга кўникаб бораётганимиз масаланинг энг ёмон томонидир.**

Кейинги йилларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида бунёдкорлик ишлари янада кўпайди. Кўчалар таъмирланиб, йўл четларига манзарали дараклар, анвойи гуллар ўтказиляпти. Пойтахт кўчаларини айланган кишининг баҳридилди очилади. Умуман олганда, "Обод қишлоқ" дастури доирасида чекка туманларда ҳам ободонлаштириш ишлари авжида.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар, ҳужжатлаштиришнинг соддалаштирилиши республикамизга келаётган сайёҳлар сонининг орттишига сабаб бўляпти. Хорижлик меҳмонлар юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, инсон омилига эътибор, шарқона меҳмоннавозликдан мамнун бўлган ҳолда истаймизми-йўқми, кўчалардаги рекламалар, пешлавҳаларни, албатта, ўқишга ҳаракат қилишади. Энг қизиғи, улар ичида ўзбек тилини яхши биладиганлари қанча.

"Xabar" газетасининг жорий йил 29 июн сонидида эълон қилинган алоқа соҳаси фахрийси Зевар опа Худойбергеновнинг "Ёзувимиздаги хатолар

қаердан келяпти?" мақоласини ўқиб, ана шу фикрлар ҳаёлимдан ўтди ва ўз-ўзимдан хижолат бўлиб кетдим. Ахир кўчадаги реклама ва пешлавҳалар бизнинг саводимизга, маданиятимизга берилган баҳо эмасми?

Бир синфда нечта ўқувчи ўқишидан қатъи назар, улар турли даражада билим олишлари табиий. Ҳатто ўқитувчи талабчан, кўп йиллик тажрибага эга бўлса-да, ўқувчилари ичида хато билан ёзадиганлари топилади. Эҳтимол, ана шундайлар ўз дўконлари тепасидаги пешлавҳаларни ўзлари ёзиб бериб, тайёрлаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин "Билмаганин уялмай сўраган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим" мақоли халқимиз томонидан бежиз яратилмаган-ку! Ўша пешлавҳаларни кўчиртиришдан олдин биладиган бирорта одамга ўқитиб, хатоларини тўғрилатиб, кейин кўчиртириши лозим эмасми? Рекламалардаги ёзувлар ҳам худди шу тарзда тайёрланса, хатоларнинг олди олинган бўлармиди.



кирилл алифбосида эканлигини яхши биламиз-ку! Дўконлар пешлавҳаларида, айрим рекламаларда қайси қондага асосан рус тилидаги сўзлар лотин алифбосида ёзилаётганини тушунмайман. Шу ўринда "Билайн" компанияси юбораётган рус тилидаги SMS-хабарларнинг лотин алифбосида ёзилиши ҳам мижозларни қийнаётганини эслатиб ўтишни лозим топдим.

Хуллас, бу мавзуда жуда кўплаб мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Мен истар эдимки, биргина эътиборсизлик, лоқайдлик сабаб юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларда салбий таассурот қолдирмайлик. Юрт шаъни учун катта-кичик масаланинг ўзи йўқ. Дунёга таниқли боболаримизга муносиб ворислар эканлигимизни ҳар бир ишда исботлайлик.

**Дилноза БАҲОДИРОВА,**  
"Ўзбектелеком" АК  
"Тошкент шаҳар телеком" тармоқлар эксплуатацияси маркази маркетинг бўлими мутахассиси

МАСЛАҲАТ

## ТИШ ПАСТАСИНИНГ НОИДТИЙ ФЙДАЛАРИ



Тиш пастаси ҳаётимиз учун энг зарур восталардан бири. Қунда икки мартадан тишларимизни тозаламасак, кўнглимиз жойига тушмайди. Ундан тишларни тозалашдан бовқа ишларда ҳам фойдаланиш мумкинлигини билмасангиз керак. Тиш пастаси:

- Чивин қақиши ва майда шилиншилар натижасидаги қичишишни йўқотади.
- Енгил куйишда оғриқсизлантиради.
- Юздаги хуснбузарлардан қолган янги доғларни тезроқ кетказишда ёрдам беради.

- Қўл тирноқларини ялтилатиб тозалайди.
- Сочларни силлиқлашда қўл келади. Гел шаклидаги тиш пасталарини соч учун ҳам қўллаш мумкин.
- Қўллардан пиёз, саримсоқ-пиёз ҳамда балиқ ҳидини кетказишда ёрдам беради.
- Кийим-кечак ва гиламлардан қийин кетувчи доғларни тозалашда қўл келади.
- Оқ рангдаги оёқ кийимларга паста суртилиб, сўнг керакисиз тиш чўтқаси билан ишқаланса, янгидек оппоқ ҳолига қайтади.

- Деворларга чизилган қалам ҳамда фламастер изларини осон кеткази.
- Қумуш заргарлик буюмларини ялтилатиб тозалайди.
- Қирилган компютер дискларини ҳам тозалайди.
- Гўдақлар сут идишларидаги нохуш ҳидни тезда йўқотади.
- Тагига олган металл ҳамда чуян идишларни тозалашда ёрдам беради.
- Чўмилиш учун махсус кўзойнақлар тиш пастаси билан ювилса, сув остида парланмайди.

|  |  |   |  |  |
|--|--|---|--|--|
| <p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p> | <p><b>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</b></p> <p>Азим АХМЕДҲАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>  | <p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100105, Тошкент, Тоғлимаржон кўчаси, 6-уй.<br/>Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78<br/>Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p> |  |  |
|  | <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.</p> | <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ.</p>  | <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00.<br/>Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p> |  |
| <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>  | <p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади</p>   | <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.<br/>Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>  | <p>G-743 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қозғоқ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3221 нусха.</p>              | <p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00.<br/>Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p> |
| <p>Вилоят муҳбирлари:</p>  | <p>Андижонда Бухорода Жиззахда Наманганда Навоийда Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганчда Фарғонада Қаршида</p> <p>226-47-80 (0365)600-87-21 (94) 199-95-64 (91) 353-71-25 225-91-10 554-35-45 (91)557-84-44 (91)235-88-68 291-43-28 (97) 211-65-05 244-18-05 (93)931-08-99</p>                       | <p>1 2 3 5 6</p>  |  |  |